

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**Н.Н.Алимов, Ж.Р.Турматов**

**ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**Жиззах-2007**

Ўқув-услубий қўлланма Жиззах политехника институти илмий услубий кенгашида кўриб чиқилди ва чоп этишга рухсат этилди.

Баённома № \_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ 2007 йил

Ушбу ўқув-услубий қўлланма ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлашни ташкил қилиш ҳамда ўқувчи-талабаларни педагогик жараёнга тайёрлаш масалаларига бағишланган зарурий тавсиялар ва маслаҳатларни ўз ичига олган. Шу билан бир қаторда қўлланмада ўқитувчилар учун дарс жараёнида педагогик технологияларни қўллаш, машғулотнинг ўтказилиш методикаси, дарсга кириш ва уни таҳлил қилиш услублари ҳақида ҳам тавсиялар берилган.

**Такризчилар:**

**Р.Т.Умаров**

Жиззах Давлат педагогика институти доценти, «Тасвирий санъат ва ишлаб чиқариш асослари» кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди

**М.Т.Раббимов**

Жиззах политехника институти «Касб таълими ва педагогика» кафедраси мудири, техника фанлари номзоди

## КИРИШ

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси ХХІ аср бўсағасида турар экан, ортда қолган йиллар қадрини баҳолашга ва келажак ҳаётининг турли жабҳаларини белгилаб олишга уриниши табиийдир. Жумладан, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётганлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан - кунга кучайиб бормоқда, бунинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи - талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан таълим жараёнида ўқувчи - талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун олий ўқув юртларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари - интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Анъанавий ўқитиш тизими, айтиш мумкинки, ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «ахборотли ўқитиш» сифатида тавсифланади, чунки ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб бораётганлигини таъкидлаган ҳолда баҳоланмоқда. Бу бир томондан.

Иккинчидан, илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимига янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

# I БОБ

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

### 1.1. Таълим тизимига педагогик технологияни татбиқ этишнинг зарурати

XX аср - кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмунини амалга оширишни таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида замин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат маҳсули бўлган технология соҳаси ва жисмоний куч сарфланган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Моддий ишлаб чиқариш, хомашёни қайта ишлаш соҳалари (хусусан, қишлоқ хўжалиги саноат, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) да ёндашув анъанаси юзага келди. Ишлаб чиқариш жараёнига технологик ёндашув ушбу жараённинг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади, яъни муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хом ашёни танлаш (дастлабки босқич) дан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнги босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндашув муайян соҳаларда ислохотларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятини таъминлаш ва уларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида ташкил этилди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий, илғор, юксак технологияларнинг қўлланиш шартларидан бири - малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришни йўлга қўйиш эканидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради.

Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида иқтисодий ўсиш аҳоли маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар асосида йўлга қўйиш зарурати кун тартибига қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёни моҳиятини тўлақонли англай олган, фавқулотда рўй

берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олиш салоҳиятига эга бўлган малакали мутахассисни тайёрлаш зарурияти таълим жараёнини ҳам технологик ёндашув асосида ташкил этиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан техника ютуқларидан самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси намоён бўлмоқда.

Айни вақтда республика ижтимоий ҳаётига кенг кўламли ва шиддатли тезликдаги ахборотлар оқими кириб келмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида тўрган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида рўй бераётган ўзгаришлар натижасида ҳалқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаб бериш эҳтиёжи юзага келди. Ушбу эҳтиёжни қондириш ишлаб чиқариш соҳалари томонидан турли мутахассислик ёки ихтисослик бўйича касбий маълумотга эга кадрларни тайёрлаш ишига масъул саналган таълим муассасаларига ижтимоий буюртма бериш ҳамда мазкур буюртманинг сифатли бажарилиши асосида ҳал этилади. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган таълим муассасалари зиммасига эркин, мустақил фикр юрита оладиган, тафаккури ва дунёқараши кенг, билимли, шунингдек, мутахассислиги бўйича чуқур билим, юксак малакага эга бўлган кадрлар (мутахассислар) ни тайёрлаб беришдек маъсулиятли ижтимоий вазифа юкланган.

Ишлаб чиқариш соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаб бериш борасидаги ижтимоий буюртма моҳияти ўз-ўзидан таълим-тарбия тизимига тааллуқли. Ушбу тизим доирасида фаолият кўрсатувчи таълим муассасаларининг фаолияти мазмуни тубдан ёки қисман ўзгарди. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълимий ислохотлар ҳамда кадрлар тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртма моҳиятига кўра, 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида узлуксиз таълим тизими яратилиб, аниқ вазифаларни бажарувчи босқичлар белгиланди. Шунингдек, янги турдаги таълим муассасалари фаолият юрита бошлади.

Узлуксиз таълим тизимининг шаклланиши ўз-ўзидан кадрлар тайёрлаш жараёнининг янгича мазмун касб этишини таъминлайди. Баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлашга йўналтирилган узлуксиз таълим (шу жумладан, тарбия) жараёнининг янги мазмуни мазкур жараёнга илм фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ғоя, кашфиёт ва ютуқларнинг тадбиқ этилиши. Ушбу жараёнда демократик, инсонпарварлик

тамойилларининг устувор ўрин тутиши, таълим ва тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш (яъни, таълим-тарбия жараёнининг асосий субъектларидан бири бўлган талаба - таълим олувчи шахснинг ҳурмат қилиниши. Унинг шаъни, ор-номуси, кадр-қиммати ва ҳуқуқлари дахлсизлигининг таъминланиши), таълим олувчи (талаба) нинг педагогик жараёндаги фаол иштирокини юзага келтириш учун муайян шарт шароитларни яратиш, уларнинг хоҳиш-истаклари билан ўртоқлашиш, шахсий ташаббусларни қўллаб қувватлаш, уларда мустақил фикр юритиш лаёқатини тарбиялаш, бу борада муайян кўникма ҳосил қилиш, ҳосил қилинган кўникманинг фаолият малакасига айланишга рағбат билдириш, ўқув (манбълари ва кўрсатмали воситалар) мазмунида юқорида қайд этилган ғояларнинг ўрин олишига эришиш, таълим олувчиларда билим олишга нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш, рағбатни юзага келтириш, шунингдек, онгли муносабатни қарор топтириш ва хоказолар асосида яратилади.

Янгича мазмун касб этган кадрлар тайёрлаш жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш даражаси ва сифат кўрсаткичининг юқори бўлишини кафолатлайди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари ишлаб чиқариш маҳсулотларига нисбатан аҳоли томонидан билдирилаётган талаб ва таклиф асосида тартибга солинар экан, муайян йўналиш бўйича малакавий (касбий) маълумотиغا эга мутахассиснинг ижтимоий рақобатга бардошлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳалқ хўжалигининг рақобатбардош мутахассислари билан таъминланиши узлуксиз таълим тизимида ташкил этилган педагогик фаолиятининг самарали, муваффақиятли эканлигини кўрсатувчи далил ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш соҳаларининг баркамол шахс ва малакали мутахассис билан таъминланиши ижтимоий ҳаракатни юзага келтирувчи восита, ижтимоий - иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг энг муҳим омилдир.

Ижтимоий - иқтисодий тараққиёт. Ижтимоий буюртманинг бажарилиши сифат кўрсаткичи малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига нисбатан технологик ёндашув ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлашга олиб келади. Шу боис сўнгги йиллар мобайнида таълим тизимида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш масаласига республика миқёсида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Таълим муассасаларининг фаолият жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш бир қатор шартларга мувофиқ амалга оширилади. Хусусан, бўлажак педагогик фаолиятни ташкил этаётган ўқитувчиларни янги педагогик технологиянинг моҳиятини очиб берувчи назарий маълумотлардан хабардор этиш;

- бўлажак ёки фаолият олиб бораётган (педагог) ларни янги педагогик технология ҳамда унинг моҳияти хусусида тўлақонли маълумот бера олиш имконига эга бўлган ўқув манбълари (ўқув дарслиги, қўлланма, методик тавсиянома, шунингдек, муайян ўқув фанлари бўйича машғулот лойиҳалари ва ҳ.к.) билан етарли даражада таъминлаш;

- таълим муассасалари фаолиятида янги педагогик технологияларни қўллаш борасида тўпланган етакчи хорижий мамлакатлар, шу жумладан маҳаллий педагогларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш;

- бўлажак ёки педагогик фаолият олиб бораётган таълим жараёнидаги янги педагогик технология назарияси ғояларидан самарали, ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш кўникмасини ҳосил қилиш, ушбу кўникмани амалий фаолият малакасига айлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш (чунончи, назарий ва амалий конференция, семинар ва давра суҳбатлари, махсус ўқув курсларини ташкил этиш, педагог ходимларнинг ривожланган мамлакатда тажриба орттиришларини йўлга қўйиш ва ҳ.к.).

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустаҳкам назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақозоси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

2. Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди.

3. Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.

4. Баркамол шахс ва малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

## **1.2. Педагогик технологиянинг назарий асослари**

Республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таъкидлаганидек, замонавий таълим-тарбия ишларини давлат стандарти даражасига кўтариш учун педагогик жараёнга илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш зарур (3.4 модда).

1999 йил апрел ойида Тошкент шаҳрида ҳамда май ойида Андижонда ўтказилган Республика илмий-назарий семинар қарорларига мувофиқ барча илмий ва олий ўқув муассасаларига кадрларни тайёрлаш миллий моделига мос илғор педагогик технологияларнинг назарий асосларини ишлаб-чиқиш вазифаси юклатилди.

Бу вазифани тўлиқ бажариш мақсадида, энг аввало, олимлар мактабларда ва олийгоҳларда ишлаётган ўқитувчилар ҳамкорлигида бир неча муаммоларни ечиши лозим бўлади. Жумладан:

- янги педагогик технологиянинг моҳиятини аниқлаш ва унинг назарий асосларини яратиш;

- унинг принципларини ишлаб чиқиш;
- педагогик технологияни амалда қўллаш учун самарали йўлларини танлаш ва ҳоказо.

Педагогик технология нима? Нега энди шунча йиллардан бери яраб келган таълим жараёнини эскича ташкил этишдан воз кечишимиз керак ва ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга янгича ёндашиш зарур?

Бу йўналишлар:

- таълим-тарбия мақсади, вазифаси, мазмуни, тизимини ислоҳ қилиш;
- таълим-тарбия бошқарувини ислоҳ қилиш;
- таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизминини яратиш;
- ота-она, ўқитувчи-талабанинг таълим жараёнига бўлган янгича қарашларини шакллантириш;
- ва ниҳоят, бу туб ислоҳотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи - янги педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Ташхисланувчан ўқув мақсадларини қўллашга ўтилиши, ўқитиш технологиясида баҳолашнинг ўзига хос янги мазмунга эга бўлишига олиб келади. Мақсад ташхисланувчан усулда аниқланар экан, ўқув жараёнининг боришида унинг белгиларига ҳам эталон сифатида қараш мумкин бўлади. Ўқитиш жараёнида жорий баҳо қайтувчан алоқа ролини ўйнайди ва эталон мақсадга (ёки унинг қисмларига) эришишига қаратилган бўлади. Агар мақсадга эришилмаган бўлса, унда жорий назорат натижалари асосида ўқув жараёнига тузатишлар киритилиши лозим. Шунинг учун ҳам, жорий баҳолар билимларни шакллантирувчи функцияни бажаради. Демак, жорий назоратлар баҳоланмайди. Жорий мулоҳазалар мазмуний ҳарактерга эга бўлиб, улар талабага ва унинг фаолиятига тегишли тузатишлар киритишига ёрдам бериши лозим. Яқуний баҳо балларда ифодаланади. Жорий баҳо каби яқуний баҳо ҳам ташхис усулида қўйилган мақсадларнинг эталон мезоний белгилари асосида аниқланади ва шунинг учун ҳам мезоний ҳарактерга эга бўлади. Ўқув жараёни ҳам шунга мувофиқ йўналишга эга бўлади. Мезоний баҳолаш бу усулда ўқитишнинг асосини ташкил қилади.

Талаба билимларини шакллантирувчи жорий баҳолар, уларга фан (курс) нинг ҳар бир бўлими бўйича тавсия этилган назорат топшириқлари билан аниқланади. Бундан мақсад, талабаларда содир бўладиган қийинчиликларни тезкорлик билан бартараф қилишдир. Бундай тест вариантларининг бири бўлим материални тўла қамраб олган бир неча саволлардан иборат бўлиши мумкин. Ҳар бир савол рўпарасида 4-5 та жавоблар (танлаб белгилаш учун) ёзилади. Ҳар бир жавоб варианты бир қарашда тўғрига ўхшаган бўлиши, лекин фақат биттаси аниқ тўғри бўлиши зарур. Жавоблар А, В, С, Д, Е каби ҳарфлар билан белгиланади. Жавоблар ўз-ўзини текшириш бланкасига ўтказилади. Уни тўлдириб бўлгандан сўнг, талаба ўз жавобларини тест калити билан таққослайди ва қайси саволларга тўғри (нотўғри) жавоб берганлигини ўзи аниқлайди. Жавоб бера олмаган саволларни ўзи мустақил равишда (зарур бўлса ўқитувчи ёрдамида) ўзлаштиради. Бунда у алтернатив ўқув материаллари (ўқув қўлланмалари,

видеоматериал, лаборатория ишларини бажариш учун кўрсатмалар) дан фойдаланиши ҳам мумкин.

Педагогик технологиянинг энг муҳим ютуқларидан бири - тестлар фондини, ўқув жараёнининг боришини тўла қамраб олган назорат - текширув топшириқлар тўпламини яратилишидир. Олдиндан тайёрланган, стандартлашган тестлар ишда анчагина қулайлик туғдиради. Ҳар бир ўқув циклида тест ёрдамида баҳолаш тезкор қайтувчан алоқа ўрнатишга имкон беради ва ўқув жараёнини белгиланган мақсад томон кетма-кет равишда йўналтириб туради.

### **1.3. Педагогик технологияларнинг турлари. Анъанавий ва ноанъанавий педагогик технологиялар**

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таълим тушунчасига миллий-дидактик нуқтаи назардан ёндашиб қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб қор, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади».

Таъкидланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг янги моделини яратишни тақозо қилади. Моделни амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув-тарбиявий жараёнини янги педагогик технологиялари балан таъминлаш» унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Бугунги кунда таълим технологияларини шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

1. Анъанавий.
2. Ноанъанавий.

Анъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир.

Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида талаба шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим - тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.

Ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, талабаларнинг билиш имкониятларини ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилади, билиш фаолиятлари изланувчан ва ижодий ҳарактерга эга бўлади. Дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади.

Ноанъанавий таълим технологияси ўз навбатида учга бўлинади:

- Ҳамкорликда ўрганиш

- Моделлаштириш
- Тадқиқот (лойиҳа)

**Ҳамкорликда ўрганиш** - талабаларнинг билимларни ўзлаш-тириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича талабанинг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олишдир. У талабаларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тўтадиган методлардан иборат. Буларга «Китоб билан ишлаш», «Ўқув суҳбати», «Давра суҳбати», «Ақлий ҳужум», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Баҳс-мунозара» каби методларни киритиш мумкин.

**Моделлаштириш** - реал ҳаётда ва жамиятда юз берадиган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини аудиторияда яратиш ва уларда талабаларнинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тўтади. Унинг асосий мақсади талабаларнинг фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга қара-тилган. Буларга ишбоп ўйинлар ва ролли ўйинлар каби методларни киритиш мумкин.

**Тадақиқот** - талабалар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундай-диган усуллар йиғиндисидан иборатдир. Тадақиқотнинг мақсади дарс жараёнида талабаларда савол қўйиш ва уларга жавоб излашида қизиқишини уйғотишга қаратилгандир. Унда ўқитиш талабаларни амалий изланиш жараёнида бевосита қатнашишини таъминлайди. Буларга муаммоли вазият, лойиҳалаш методи, мус-тақил изланиш, йўналтирувчи матн каби методлар кирди.

#### 1.4. Фаол ўқитиш методларини танлаш.

Таълим технология элементларини танлаш ва амалга оширишда талабаларнинг ўқув билиш фаолиятларини эътиборга олиш лозим. Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики, назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида талабаларга янги билимларни бериш амалга оширилади, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни амалга ошириш орқали берилган билим мустаҳкам-ланиши лозим.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан фақат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак.

Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди.

Бу ҳамма таклифлар талабанинг диққатини узокроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қилади.

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эса олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади. Агар билимлар фақат «маъруза»-лар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25% ни

эслаш мумкин ҳолос. Агар у маърузалар ўқиш (тинглаш), намоиш ва кўргазмали қилиш (кўриш, ушлаб кўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳслашилса, унда 3 кундан сўнг 75% ини эсга тушириш мумкин.

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Талабаларнинг ўзлаштириш даражасига ўқитиш методлари-нинг таъсир даражаси:

1. Маъруза - эшитганимизнинг 5%.
2. Ўқиш - ўқиганимизнинг 10%.
3. Видеоусул, намоиш - кўрганимизнинг 20%.
4. Тажрибани намоиш қилиш-кўрган ва эшитганимизнинг 30%.
5. Баҳс-мунозара - муҳокама қилганимизнинг 40%.
6. Машқлар - ўқиган, ёзган, гапирганимизнинг 50%.
7. Ишбоп ўйин, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш - мустақил ўқиганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, ҳимоя ва намоиш қилганимизнинг 75%.
8. Йўналтирувчи матн, муаммоли вазият, бошқаларни ўқитиш - мустақил ўрганганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимиз-нинг, бошқаларни ўқитган нарсаларимизнинг 90%.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида ноанъанавий методлар қўлланилганда, талабаларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси 30% ни ташкил этар экан. Ноанъанавий методлар қўлланилганда эса, талабалар-нинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада ортиб боради.

Қуйида таълим жараёнида фойдаланмоқчи бўлган методларни танлаш вақтида ҳисобга олиш лозим бўлган айрим жиҳатларни кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади - билимни ҳамда уни амалда қўллай билиш кўникмалари ва малакаларини шакллантириш, шунга зарур шахс сифатлари ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишдир.

### **1.5. Назарий дарс ўтказиш**

Назарий дарс ўтказишда қўлланиладиган кетма-кетлик қуйидагилардан иборат:

1. Қизиқтириш (мотивация)
2. Маълумот бериш
3. Билим бериш
4. Ўрганилган билимларни қайта ишлаш бўйича топшириқлар бериш
5. Анализ ва синтезлар
6. Баҳолаш

Ушбу кетма-кетлик учун вақт одатда 45 ёки 60 дақиқани, катталар учун эса 90 ёки 120 дақиқани ташкил этади. Бунда назарий дарс ўтказишнинг

юқорида келтирилган олти босқичини босиб ўтиш шарт. Дарс бошланишидан аввал режалаштириш фазасининг натижаларини қисқача текшириб кўриш лозимдир:

Мавжуд вазият ва шарт-шароитларни баҳолаш:	Таҳлиллар натижалари ҳали ҳам янгимми?
Белгиланган вақт:	Мазмунларни ўқувчиларга етказиш учун вақт етарлими?
Хоналарга тааллуқли шароитлар:	Синф хонаси бўшми? Стул ва стуллар етарлими ва U-шаклида қўйилганми?
Воситалар:	Доска, флипчарт ва кодоскоплар (проектор) ишлайдими? Бўр ва губка мавжудми?
Ҳужжатлар:	Дарс режаси борми? Етарли тарқатма материаллар ва топшириқ варақалари мавжудми?

**Қизиқтириш (мотивация).** Авваламбор «қизитиш фазасини» ўтказиш керак. Бу фаза ўқувчиларни қутлаш ва ҳар қандай қизиқарли, ҳаттоки, дарсга тааллуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги суҳбат билан бошланади.

Иложи бўлса дарсга яширин боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан гаплашиш мумкин. қизиқарли цитата ёки қисқа, долзарб мавзудаги ҳикоя танланиши мумкин. Буларнинг барчаси ўз навбатида биринчи дарс мобайнида ўқувчиларнинг кескин ҳолатини юмшатишга ёки кейинги дарсларда ўқувчилар эътиборини ўрганиш предметиға қаратишга ёрдам беради.

Қизитиш фазаси-ғоялари юзасидан папка тутиш ҳам тавсия этилади. Дарс биринчи бор янги ўқувчилар гуруҳида ўтаётган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, ўқувчиларға ҳам ўзларини таништириш икониётини бериши керак. Бу ўқувчиларда ишонч туғдиради, ўқувчилар ўзларига билдириляётган ҳурматни ҳис қиладилар. Бу флипчарт ёки пинванд ёрдамида визуаллаш-тирилиши ҳам мумкин. Таърифланган ва танланган ўқитиш предметлари ва модуллари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалға оширилади. Интринзли (ички) ва экстринзли (ташқи) мотивация учун сабаб ва аргументлар топишға ҳаракат қилиш лозим. Нима бўлганда ҳам мотивация қилишнинг қандайдир бир тадбирини ўтказилиши шарт. Чунки бу эътибор қаратиш, ўқиш ва ўрганишға бўлган тайёрлик учун шарт-шароит ҳисобланади.

**Маълумот ва билим бериш.** Сўнгра инструктор ўқувчиларни махсус соҳаға олиб киради. Янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув суҳбатлари, ўйин-машғулотлари ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказади. Уларнинг ўқитиш усуллари муайян ҳолатдаги муайян мазунға мос бўлади. Кейинги дарсларда янги мавзунини бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайтарилиши керак.

Мавзуларға мос тарқатма материаллар ўқувчиларға тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёни ва дарс олиб боришни енгиллаштиради. Мавзуга

кирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин-кетин тарқатиш, уларни ўқиб чиқиш учун етарли дақиқалар бериш ва ўқувчилар эътиборини ахборотга қаратиш учун кимгадир овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан сўнг мавзу муҳокамасини бошлаш мумкин бўлади.

**Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш учун топшириқлар бериш.** Ўқувчиларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фаза келиши учун имконият яратиб беради. Гуруҳларда ишлаш ёки индивидуал равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади. Худди шу ерга уй вазифаларини ҳам киритиш мумкин.

**Анализ ва синтезлар.** Мавзу таҳлили орқали мавжуд вазият элементлари алоҳида кўриб чиқилиши мумкин. Ушбу ўринда алоҳида хусусиятлар ёки деталлар муҳокама этилиши мумкин.

Мазкур деталларни бир бутун қилиб синтезлаш тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва алоқадорликни аниқлаш имконини беради. Бу ерда гап билимнинг алоқадорлик даражаларини аниқлаш тўғрисида бормоқда. Чунки амалиётга яқинлашиш ва ўзлаштирилган билимларни келажакда ишлатиш учун синтез орқали бошқа илм-фан соҳалари билан боғлаш амалга оширилади.

**Баҳолаш.** Ҳар бир топшириқдан кейин ўқувчилар ўзлари бажарган ишларини баҳолашлари лозим.

Бошқа бир имконият эса натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилишдан иборатдир. Курс охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатида иштирокчиларнинг натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган умидлари, шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз натижалари юзасидан мулоҳаза юритишлари учун яхши имкониятдир.

Ўқитувчи ҳам ўз - ўзига «мен мақсадларга эришдимми, йўқми? Нима учун эришмадим?» каби саволларини бериши лозим.

Бунинг учун махсус баҳолаш варағи ишлаб чиқилиши мумкин.

### **Назарий билимларни бериш:**

Қуйидаги 11 та синалган усуллар ўқитишнинг турли-туманлигини кўрсатиб беради. Уларни қўллаш ўқитувчининг ушбу усуллардан тўғри фойдаланиши борасида усул компетенциясига эгаллигини намоён қилади. Берилган ҳолатлар бўйича доимо мақсадга мувофиқ усуллар қўлланилиши керак!

Қуйида ҳар бир усулнинг афзаллик ва салбий томонлари тўғрисида сўз боради.

## **Маъруза.**

Ўқитувчи ўқувчилар гуруҳи олдида туриб, тутилмай далиллар, тушунчалар, тамойиллар ёки усуллар тўғрисида гапирмоқда. У яхши ишлаб чиқилган билимлар тизимини аниқ тушунтириб беради, орада ўқувчилар томонидан саволлар берилиши кутилмайди.

Кенг қамровли мавзу борасидаги ахборотлар берилаётган бўлса, ушбу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### Ўқитувчи учун афзаллик томонлари:

- Катта ахборотларни бериш қисқа вақт ичида амалга ошади.
- Оддий усул ва ташкилий тайёргарликни амалга ошириш мумкин.
- Мантиқий кетма-кетликни сақлаб қолиш осон амалга ошади.

### Ўқувчилар нуқтаи-назари бўйича салбий томонлар:

- Катта миқдордаги билимларни ўзлаштиришга тўғри келади, хотирада сақлаб қолиш қийин кечади.
- 20 дақиқадан ортиқроқ вақт давомида диққат билан тинглаб ўтириш қийин. Ўқувчилар тез чарчаб қоладилар!
- Турли дастлабки билимлар инobatга олинishi қийин бўлади.
- Савол бериш мумкин бўлмай қолади.
- Талаблар ҳаддан ташқари ошиб кетади.
- Ўрганиш пассив равишда амалга ошади.

## **Тақдимот.**

Ўқитувчи ўқувчилар олдида туриб, реал объектларни, моделларни, иш намуналарини, фотосуратларни, плакат, шунинг-дек, фильмлар ва диафильмлар каби аудиовизуал воситаларни тақдим этмоқда. Тақдимот бир пайтнинг ўзида тушунтирилиб берилади.

Бу усулдан фойдаланиш билим беришни кўргазмали, жонли, амалиётга яқин равишда олиб бориш учун ва берилаётган билимларни ўзлаштириш осон кечиши учун мақсадга мувофиқдир.

### Афзаллик томонлари:

- Оптик воситалар қабул қилиш қобилиятини ва англашни кўллаб-қувватлайди.
- Усул тайёргарлигини кўриш қийин кечмайди.
- Мантиқий кетма-кетликни осон сақлаб қолиш мумкин.
- Ўқувчилар фақатгина бевосита таълим жойларида ўзлаштири-лиши мумкин бўлган реал объектлар ва ҳолатлар тўғрисида таассуротга эга бўладилар.

### Салбий томонлари:

- Мунозаралар ташкиллаштирилмаганлиги туфайли билим бериш фақат бир томонлама мулоқот орқали юз беради.
- Тўлдирувчи, кўшимча тадбирлар кўрилмаса, бир ёқлилиқ хавфи туғилади.
- Турли дастлабки билимлар инobatга олинмай қолиши мумкин.



- Ўқитувчи мосламаларни ишлатишни билмаса, мосламаларнинг техник бузилиш хавфи туғилади.
- Ўрганиш пассив кечади.
- 20 дақиқадан ортиқроқ вақт давомида диққат билан тинглаш қийин кечади.

#### **Намойиш.**

Ўқитувчи ўқувчилар гуруҳи олдида туриб, асбобдан фойдаланиш ёки машинага хизмат кўрсатиш, шунингдек, маълум ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ушбу усул амалий иш ҳаракатларини кўрсатиб бериш керак бўлганда жуда қўл келади.

#### Афзаллик томонлари:

- Ўқувчилар қайтариб туришлари амалга оширилса, кўплаб қўл кўникмаларини ўргатиш мумкин.
- Нотўғри ҳаракатлар ва хатолар бошидан бошлаб қилинмаслиги ёки тузатилиши мумкин.
- Босқичларнинг тўғри кетма-кетлиги осонлик билан шакллантирилиши мумкин.
- Ўқувчилар детал тажрибаларга ҳам эга бўлишлари мумкин.
- Кўникмаларни турли тезликларда тасвирлаш учун яхши имконият пайдо бўлади.

#### Салбий томонлари:

- Ўқитувчи қилиши мумкин бўлган хатолар ўқувчиларга ҳам ўтади.
- 20 дақиқадан ортиқроқ вақт давомида диққат билан тинглаб ўтириш қийин кечади.
- Турли дастлабки билимлар инобатга олинмай қолиниши мумкин.
- Ўқитувчи ҳаракатларини ўқувчиларнинг фақатгина озгина қисми кўра олиши мумкин ҳолос.
- Ўқувчиларга қўйилаётган талаб тез ошиб кетиши мумкин.
- Кўп вақт талаб этадиган тайёргарлик керак бўлади.

#### **Изланиш.**

Ўқитувчи кузатиш объектларини ўзида мужассам этган топшириқлар тайёрлайди. У ўқувчиларга берилган топшириқларга жавоблар топиш учун муайян соҳага бориб, у билан танишиш топшириғини беради. Ўқитувчи ўқувчиларни кузатиб боради ва гуруҳга раҳбарлик қилади (хавфсизлик чораларини кўриш мақсадида).

Бу усул ўқувчиларни маълум бир муҳитга бошлаб боришга қаратилган самарали усулдир.

#### Афзаллик томонлари:

- Ўқувчилар диққат билан кузатишни ўрганадилар.
- Ўқувчиларнинг дастлабки билимларини сафарбар қилишлари учун энг яхши имкониятдир.

#### Салбий томонлари:

- Кўп вақт сарф этилишини талаб этади.

- Ўқувчилар кейинчалик қайта ишланиши керак бўлган тўлиқсиз таассуротга эга бўладилар.

#### **Ўқув суҳбати.**

Ўқитувчи билимларни далил, тушунча, тамойиллар ва усуллар шаклида беради ва тафаккур йўналишига таъсир кўрсатиш учун саволлар беради. У ўқувчилардан жавоблар ва мунозаралар кутади. Бунда барча дидактик тамойиллар инобатга олинishi мумкин. Бу энг кўп қўлланиладиган усулдир.

Бу усулга асосан англаш ва «муносабатлардаги тафаккур» ривожлантирилади.

#### Афзалликлари:

- Интеллектуал (когнитив) қобилиятларни ривожлантириш жараёни ўқувчилар томонидан тўғридан-тўғри қўллаб-қувватланади.
- Кенг қамровли мавзулар кам босқичларни ўтиш орқали таҳлил қилинади.
- Ўрганишнинг фаол йўли.
- Ўқувчиларнинг дастлабки билимларини сафарбар этиш учун яхши имконият.

#### Салбий томонлари:

- Нотўғри саволлар усулини ишлатиш хавфи туғилади.
- Ўқитувчи томонидан ўқувчиларга ошиқча, холис бўлмаган баҳо берилиш тенденцияси намоён бўлади.
- Ўқитувчининг шахсий фикрлари ўқувчининг тафаккур қилишига таъсир қилиши хавфи туғилади.

#### **Давра суҳбати.**

Ўқитувчи стол-стулларни доира шаклида жойлаштиради, бу эса ҳар бир иштирокчи билан «кўз алоқасини» боғлаш имконини беради. Ўқитувчи тайёрланган мавзунини бошлаб беради ва унга нисбатан фикр-мулоҳазалар, қарорлар билдиришни сўрайди.

Бу усул мулоқот қобилиятини ва қарор чиқариш қобилиятини ривожлантириш учун мақсадга мувофиқдир.

#### Афзаллик томонлари:

- Мулоқот қилиш жараёни яққол кўринади ва у ўқитувчи томонидан қўллаб-қувватланади.
- Қарор қабул қилиш қобилияти ривожланади, тадбир режалари жорий этилади.
- Ўрганишнинг энг фаол йўлидир
- Ҳар ким қатнашиш лозимлиги масъулиятини ҳис қилади.
- Ўқувчилар тажрибаларини қўллаш учун яхши имконият
- Ижтимоий компетенция ва гуруҳлар позициясини белгилашда яхши йўл.

#### Салбий томонлари:

- Ўқувчиларга юқори баҳо бериб юбориш мумкин.
- Маълум мавзуга ёпишиб олиш хавфи туғилади.
- Кўп вақт талаб қилиши.

#### **Муаммони мунозара қилиш.**

Ўқитувчи муайян муаммо тўғрисида матн тайёрлаб, сабаб ва таъсирларини топиш бўйича топшириқ беради.

Бу усул муаммони ҳал қилиш ва мулоқот қобилиятларини ривожлантириш учун мақсадга мувофиқдир.

Афзаллик томонлари:

- Муайян мавзунини муҳофаза қилиш учун интенсив йўллардан бири
- Ўқувчилар сабаб, фарқ ва таъсирларни топишни ўрганадилар.
- Ўқувчилар ўйлашни ўрганадилар.
- Ўқувчиларнинг билим ва тажрибаларини баҳолаш учун яхши имконият.

Салбий томонлари:

- Атрофлича тайёрланган мавзу ва мотивацияни талаб этади.
- Муаммо даражаси ўқувчи даражасига мос келиши керак.
- Кўп вақт талаб қилади.

**Муайян вазиятни ўрганиш.**

Ўқитувчи муайян ҳолат бўйича мисол келтиради ва бунга нисбатан фикр билдириш, сабаб ва таъсирларни таҳлил қилиш топшириғини беради.

Бу усул муаммони ечиш тафаккурини ривожлантириш учун мақсадга мувофиқдир.

Афзаллик томонлари:

- Муайян мавзунини муҳофаза қилиш учун интенсив йўллардан бири
- Ўқувчилар сабаб, фарқ ва таъсирларни топишни ўрганадилар.
- Ўқувчилар ўйлашни ўрганадилар.
- Ўрганишнинг фаол йўли.
- Ўқувчиларнинг билим ва тажрибаларини баҳолаш учун яхши имконият.

Салбий томонлари:

- Яхши тайёрланган ҳолатни талаб этади.
- Муаммо даражаси ўқувчи даражасига мос келиши керак.
- Кўп вақт талаб қилади.

**Ўйин-машғулотлар.**

Ўқитувчи 2 ёки ундан ортиқ шахснинг умумий кўринишларини тасвирлаб беради. Ўқувчилар уларнинг ролини ўйнаши керак. Сухбатни ёзма олганларидан сўнг, ўқувчилар сухбат ва мавзуларнинг мақсадини очиқ беришлари керак. Сўнгра улар ролларни ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб ўйнашади. Бошқа ўқувчилар ҳолатни кузатадилар ва баҳолайдилар. Бошқалар эса протокол олиб борадилар. Ўйин-машғулотлар ҳолатни турли нуқтаи-назардан кўриб чиқиш имкониятини яратади.

Афзаллик томонлари:

- Ўқувчилар мавзунини турли нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қиладилар.
- Улар қарашлар ва хулқ тўғрисида ўйлашга ҳаракат қиладилар.
- Ўқувчининг дастлабки билимларини ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият.

Салбий томонлари:

- Актёрлар ўйнаган роллар тўғрисида яхши тайёрланган ҳужжатлар талаб этилади.
- Танланган мавзу ўқувчи даражасига мос бўлиши керак.
- Саҳнага чиқиш ҳаяжони, ҳалакит беришлар ва нотўғри шахсларни танлаш.

#### **Ўқувчининг ўзи ўрганиши учун туртки бермоқ.**

Ўқитувчи ахборотлар беради ва мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.

Ушбу усул мустақил ўрганиш қобилиятини ривожлантириш учун мақсадга мувофиқ ва вазифаларни тайёрлаш асосларини беради.

#### Афзаллик томонлари:

- Индивидуал ўқув босқичларида билимлар шахслар учун мослаштирилади.
- Билим мустаҳкамланади.
- Мотивлашган бўлса, ўрганиш самарали бўлади.
- Ўрганишнинг фаол йўли.
- Ёзма мулоқот ва ифода этиш қобилиятларини ривожлантириш усуллари.

#### Салбий томонлари:

- Ўқувчиларга юқори баҳо бериб юбориш мумкин.
- Манбалар ва саволномалар яхши тайёрланган бўлиши керак.
- Етарли вақт, тинч жой ва яхши мотивация зарур.

#### **Модерация (бошқариш).**

Ўқитувчи ўқувчилар олдида муаммо ҳақида сўзламоқда. У қўйган саволларга ўқувчилар очиқ ва самимий жавоб беришлари керак. Ўқитувчи жавобларни баҳоламайди ва уларни шарҳсиз қолдиради. Жавоб бериш учун турли рангдаги карточкаларни беради. Ўқувчиларнинг жавоблари ёзилган бу рангли қоғозлар пинванд доскасига ёпиштирилади.

Бу усуллар ижодий тафаккурни ривожлантириш учун мақсадга мувофиқдир.

#### Афзаллик томонлари:

- Мунозара визуаллаштириб борилади.
- Натижалар баҳоланмаслиги ғоялар шаклланишига олиб келади.
- Ўқувчиларнинг барчаси иштирок этади.
- Барча ўқувчиларнинг тажрибалари масала ечимида ўз аксини топади.

#### Салбий томонлари:

- Кўп вақт талаб этади.
- Модераторлик материали етарли даражада тайёрланиши лозим.
- Синфхоналар модерация учун ташкил этилиб берилиши керак.
- Муаммо ўқувчи даражасига мос келиши керак.

## **1.6. Сухбатларни олиб бориш учун муҳим кўрсатмалар**

### **Яхши сухбат яхши тузилган саволларга боғлиқ:**

- осон ва тушунарли савол тузинг;
- фақат муаммога тегишли савол тузинг;

- сўроқ сўзни гапнинг бошига қўйинг (қандай, нима учун, нима, ...)
- саволнинг мақсадига мос бўлган сўроқ сўз танланг;
- «Ҳа» ёки «йўқ» жавобларини талаб этувчи саволлар тузманг;
- чалкаш ёки шахсни у учун номақбул бўлган ҳолатга солувчи саволлар тузманг;
- таъриф эмас, балки «хусусиятлар» ва «функциялар» юзасидан берилган саволларни афзал кўринг;
- бўлишсиз ёки салбий маъно ташувчи савол тузмасликка эътибор беринг;
- хафа қилувчи ёки кўнгилга оғир ботувчи саволлар берманг;
- саволни аниқ беринг ва шахсга жавоб бериш учун муайян вақт ажратинг;
- ҳар доим дарсга фаол қатнашувчи ўқувчиларга ёки аълочиларга камроқ савол беринг;

### **Мунозара олиб бориш учун кўрсатмалар.**

Ҳар қандай мавзу ва муаммо мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама этилиши мумкин.

1. Суҳбат мақсадларини баён этиш билан сўзингизни бошланг.
2. Яхши ишланган ҳужжатларни тарқатинг.
3. «Эшикни очиб берувчи савол» беринг (муаммога кириш).
4. Фаол иштирок этишни сўранг.
5. Суҳбатни жонлантирадиган фикрлар билдиришларини сўранг.
6. Эркин ва мавзуга яқин гапирган ҳолда мунозара олиб боринг, бу орқали ҳар бир шахс ўзини мунозарага жалб этилаётгандек ҳис этсин.
7. Мунозарани бошқариб бориш функциясини ўқувчиларнинг бирига топширишга ҳаракат қилинг.
8. Пайдо бўлаётган конфликтларни дарҳол ҳал этишга ҳаракат қилинг.
9. Натижаларни умумлаштиринг

## **1.7. Хулқни ва билимни баҳолашнинг аҳамияти.**

**Хулқни баҳолаш** ўқувчининг шахсий хусусиятларини классификация қилиш деганидир. Бу хусусиятлар кузатилган хулқдан келиб чиқсада, лекин ўлчаш мумкин бўлган натижа қамровига кирмайди. Мисол учун, ўқувчининг ишлаш тарзини баҳолаш, унинг берилган топшириқни мунтазам ёки номунтазам, самарали ёки самарасиз равишда бажараётганлиги юзасидан керакли хулосалар чиқариш мумкин.

**Билимни баҳолаш** деганда эришилган натижани қамраб олиш ва ўлчаш, шунингдек, уни натижа масштаби билан таққослаш тушунилади.

Хулқни ва билимни баҳолаш қуйидаги хусусиятларга эга:

- Таълим мақсадларига йўналганлик.
- Мунтазам ўтказиб туриш.
- Ҳуқуқий, педагогик ва психологик тамойилларга асосланганлик.
- Умум қабул қилинган натижа стандартига асосланганлик.

Натижаларни баҳолаш орқали бир пайтнинг ўзида бутун таълим тизими ва унинг барча компонентлари текширилиб кўрилиши мумкин. Бу

билан таълим тизими кўзланаётган натижани бераётганлиги ёки йўқлиги текширилиб, ўлчаб кўрилади. Билимларни мунтазам баҳолаб бориш таълим режасини, унинг катта ва кичик бўлимларини қамраб олади. Узоқроқ вақт давомида амалда бўлган таълим тизими натижа стандарти орқали ифодаланиши мумкин.

Бунда нафақат ўқувчиларнинг, балки амалиёт ўқитувчилари ва менежерларнинг ҳам кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар кўрсатиб берилади. Таълим воситалари, режалар, ташкилий ишлар кабиларнинг сифатига ҳам баҳо бериш мумкин.

Натижа қисмларини мунтазам баҳолаб бориш аниқ ва адолатли хулосаларга олиб келади. Баҳолашда мазкур хулосаларнинг умумлаштирилиши баҳолашнинг аниқ бўлишига ёрдам беради. Ўқувчини мунтазам равишда ўз натижалари тўғрисида хабардор қилиб туриш унинг мақсад сари интилиши ва истакларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулқни баҳолашни ҳукм чиқариш сифатида ёки амалиёт ўқитувчисининг ҳокимият қуроли сифатида тушунмаслик керак. Шу важдан ўқувчи баҳолаш жараёнига ҳамкор сифатида жалб этилиши лозим. Бу орқали ўқувчи ўз шахсий хусусиятлари хусусида баъзи маълумотларни билиб олиш имкониятига эга бўлади, масалан:

- унинг топшириқларни бажаришга бўлган имкониятлари;
- асабларининг бардошлилиги;
- унинг иродаси, кўрқувлари ва оптимистик руҳияти;

Ўқитиш давомидаги назорат, натижаларни ҳисоблаб бориш, хулқини ва билимларини баҳолаш ўқувчининг ўзлигини англаши учун яна бир имкониятдир.

#### **Хулқни ва билимларни баҳолаш учун кўрсатмалар:**

1. Ҳар бир хулқ ва билимларни баҳолашдан олдин ўқувчи талаб ва мезонлар ҳақида хабардор қилиниши керак.

2. Хулқ ва билимларни баҳолаб бўлгандан сўнг ўқувчига унинг натижалари иложи борича узоқ вақт чўзмасдан билдирилиши керак.

3. Ўқувчи олган ёмон натижалар сабаблари баҳолаш суҳбати орқали муҳокама этилиши керак. Бунда амалиёт ўқитувчисининг хатти-ҳаракатлари ҳам ушбу ёмон натижаларга сабаб бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим.

4. Биргаликда ёмон натижаларни яхшилаш борасида кўриладиган чоратадбирлар ҳақида маслаҳатлашиб олиш керак.

5. Ўқувчига хулқи ва билимларини баҳолаш бўйича ҳужжатларни кўриш ва ўз муносабатини билдириш ҳуқуқи берилиши керак.

### **1.8. Топшириқ ва тестларнинг сифат белгилари**

**Топшириқлар** натижаларни ўлчаш ва баҳолаш мақсадида онгли равишда кўйилган талаблардир.

**Тестлар** билим, қобилият, кўникма, иқтидор, шунингдек, характер ва муносабатни текшириш жараёни ва воситасидир.

Қуйидагилар фарқланади:

- Натижа стандартларини аниқлаш учун натижа тестлари;
- Интеллект ва бошқа қобилиятларни аниқлаш учун қобилият тестлари;
- Шахснинг маълум бир касбга лаёқатли (яроқли) эканлигини аниқлаш тестлари;
- Шахснинг мотив, ижтимоий қадриятлари ва қарашларини аниқлаш тестлари;

Бу билан бирга жорий муваффақият назорати, оралиқ ва якуний имтиҳонлар фарқланади.

Топшириқ ва тестларнинг муҳим мезонлари қуйидагилар:

### **1. Ҳақиқийлик.**

Текширилиши керак бўлган нарсага мазмунан қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши лозим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим. Бунда ўрганиш мақсадига нисбатан мазмуний алоқадорликни яратиш назарда тутилган.

### **2. Объективлилик**

Бир-биридан мустақил ўқитувчилар бир хил ўқувчиларга берилган бир хил топшириқ ва тестлар бўйича бир хил баҳо берган ҳолдагина мазкур топшириқ ва тест объектив ҳисобланади. Бу объективлилик ҳар хил вақтларда берилган баҳолар учун ҳам тааллуқлидир. Ушбу мезонлар кўпинча «расмий тестлар» пайтида амалга оширилади, ҳолос. Ўқитувчи томонидан тузилган тестлар эса одатда мазкур талабларни бажармайди.

### **3. Ишончлилик.**

Бунда топшириқ ёки тестнинг ўрганиш мақсадларини назорат қилишга сафарбар этилиш учун нақадар ишончли эканлиги назарда тутилган.

### **4. Диагностик баҳо.**

Бунда ўқитувчи топшириқ ёки тестдан кейин юзага келган камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар зарур эканлигини баҳолай олиш-олмаслиги назарда тутилган.

### **5. Балл бериш.**

Топшириқ ёки тест пайтида балл бериладиган бўлса, балл бериш ўрганиш мақсадларини назорат қилишга мослаштирилган бўлиши лозим. Бунда мавзунинг муҳимроқ бўлган қисмларига унчалик муҳим бўлмаган қисмларига нисбатан кўпроқ балл бериш керак бўлади.

### **Ўзма топшириқ шакллари.**

Эркин жавоб берилиши лозим бўлган ва бир қанча жавоблардан бирини танлаш керак бўлган топшириқлар фарқланади.

Эркин жавоб берилиши лозим бўлган топшириқлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Атрофлича тўлиқ эркин жавоб талаб этадиган топшириқлар (масалан иншо)

2. Қисқа эркин жавоб беришни талаб этадиган топшириқлар (Жавоб бериш учун очиқ жой қолдирилган топшириқлар, шунингдек, жавоб катаклаи берилган топшириқлар).

Берилган жавоблардан бирини танлаш лозим бўлган топшириқлар куйидагилар бўлиши мумкин:

1. Кўплаб вариантлардан бирини танлаш бўйича топшириқлар (дастурлаштирилган топшириқлар, тест).

2. Альтернатив жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар.

3. Тартибини ўзгартириш талаб этиладиган топшириқлар (булардан тўлдириш топшириқлари, тегишлиликни аниқлаш топшириқлари, тўғри кетма-кетликка келтириш топшириқлари, даражасига кўра жойлаштиришни талаб этувчи топшириқ).

**Эркин жавоб бериш лозим бўлган топшириқлар тузиш.**

Бу топшириқлар натижаларни аниқлашнинг анъанавий шаклини ифода этади.

**Иншо ва махсус савол.** Улар ўқувчига жавоб бериш жараёнида катта ҳаракат маконини беради. Натижа ўз навбатида ўқувчининг билимларига, қарашларига, ёзиш ва ифода этиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Ҳақиқийлик ва объективлик чегараланган бўлади. Вақт фактори бу ерда муҳим шарт-шартоитларни ташкил этади.

**Бўш жойларни тўлдириш топшириқлари (бўш жойлар қолдирилган матнлар).** Бу топшириқни ечиш тўлиқ бўлмаган матнларга киритиладиган тушунчалар, гап бўлақлари, символлар ва сонлардан ташкил топади. Агар ечим тушунчалари киритилган рўйхат ҳам тузилган бўлса, у ҳолда яхши объективликка эришиш мумкин.

**Берилган жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар тузиш.** Кўпинча бу топшириқлар «дастурлаштирилган топшириқлар» деб аталади. Бунда битта тўғри жавобдан чалғитадиган бир қанча нотўғри жавоблар киритилган бўлади. Бу билан ўқувчидан қарор қабул қилиш қобилиятини кўрсатиш кутилади.

**Бир қанча жавоблардан фақат бирини танлаш (тест).** Ечим берилган бир қанча жавоблар ичидан тўғрисиани танлашдан иборатдир. Албатта жавоблар ичида нотўғрилари ҳам мавжуд бўлади.

**Алтернатив жавоблар топшириғи.** Бундай топшириқларда фақатгина битта тўғри ва битта нотўғри жавоблар берилган бўлади. Топшириқ шартига кўра тўғри жавобни топиб, белгилаш керак бўлади.

**Жойларини ўзгартириш топшириғи.** Бу топшириқлар шартига кўра берилган жавобларни янги алоқадорлик бўйича тартибини ўзгартириш талаб этилади. Бундай топшириқлар сирасига:

Жой-жойига қўйиш топшириғи, жавоблар сифатида берилган фикрлар, тушунчалар, гап бўлақлари, символлар, сонлар махсус рақамлар воситасида ечим ўринларига киритилади

**Тартиб билан жойлаштириш топшириқлари.** Берилган жараёнлар уларга тааллуқли мантиққа асосланиб тўғри тартиб билан жойлаштирилиши лозим.

**Даражасига кўра жойлаштириш топшириқлари.** Тартибсиз жойлаштирилган топшириқлар умумий, лекин бир - биридан фарқ қилувчи

хусусиятларига ва уларга тааллуқли бўлган даражага кўра тартибга солиниши керак. (камайиб ёки ўсиб борувчи тартибда)

**Оғзаки топшириқлар шакллари.** Бу ерда билимлар билан бирга ўқувчининг ўзини тутиши, реакцияси ва мулоқот қилиш қобилияти инобатга олинади. Улар қуйидагиларга тааллуқлидир:

- Касбий ҳолатларни симуляция (тақлид) қилиш.
- Ечим йўллари топиш билан боғлиқ муаммоли ҳолатларни муҳокама қилиш.

- Ўқувчининг муаммоли ҳолатларга бўлган шахсий муносабати

Психик омил (танглик, эркин эмаслик, қўрқув кабилар) катта роль ўйнашлиги туфайли кўпинча ҳақиқий натижалар бериш қобилияти кўринмай, юзага чиқмай қолиши мумкин. Ўқитувчи савол берган пайтда ўқувчи яхши жавоб беради, деб қутмаслик керак. Шу сабабдан ўқитувчининг савол бериш тарзи муҳим роль ўйнайди. У:

- саволни тушунарли ва аниқ бериши керак;
- жавоб бериш учун етарли вақт бериш керак;
- суггестив саволлар бермаслиги керак;
- ўқувчи саволларга жавоб беришда қийналишни бошласа, саволлар камровини мос равишда қисқартириш керак.

**Хулосалар:**


- саволлар ёзма тузилсин;
- кутилган жавобни қисқача белгилансин;
- Жавобга тўғри ёки нотўғри баҳо берилганлигини кўрсатиб турувчи баҳолаш варағи тузилсин;

## 1.9. 4 ПОҒОНА УСУЛИ АСОСЛАРИ

Тахминан ўтган асрнинг 30 йилларидан бошлаб Германияда корхоналарда ўтиладиган касб-ҳунар таълимида «4 поғона усули» кенг қўлланмоқда. Хозиргача ҳам бу усул психо-моторик қобилиятларни ўргатишда энг унумли усул деб ҳисобланади.

Бу усул АҚШ да пайдо бўлиб, саноат корхоналарида конвейерли ишлаб чиқариш кўпайган сари шундай ўргатиш усуллари зарур бўлиб қолдики, ишчилар бир хилда қайтариладиган қўл кўникмаларини иложи борича тез ва мукамал равишда ўрганиб олишлари керак эди.

Бу усулда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш». Яъни, амалиёт ўқитувчиси ўқувчиларга аввал кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини қилиб кўрсатади. Сўнг ўқувчи шу иш босқичини



кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Ўқувчи қайтариб қилаётган пайтида амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади).

Ундай кейин эса шу иш босқичи машқ тарзида ўқувчи уни мукаммал ўзлаштиргунича кўп маротаба қайтарилади.

Бу усул психологияда асосланган бўлиб, бихевиоризм (яъни инсон ўзини тутишига оид) назариялардан олинган. Дастлаб, ҳайвонлар устида ўтказилган экспериментлар йўлида олинган натижалар кейинчалик инсонга нисбатан қўлланила бошланган. Бу ерда кўзғовчи ва реакция каби элементлар ҳамда конкрет ўлчаниши мумкин бўлган кўрсаткичлар муҳим роль ўйнаган. Чунки олимлар фикри бўйича, режа асосида ишлатилган ташқи кўзғовчилар ва назорат қилиниши мумкин бўлган реакцияларгина етарли даражада текширилиши мумкин ва шундан келиб чиқиб, умумий илмий хулосалар чиқариш мумкин деб ҳисобланган.

Қуйидаги илмий хулосаларни таъкидлаб ўтиш зарур:

1. Ўзлаштириш (ўрганиш) - бу «кўзғаш таъсири-реакция» кетма-кетлиги такрорланишининг натижасидир. Шу такрорлар сони қанча кўп бўлса, ўзлаштириш натижаси шунча яхши бўлади. («Такрор орқали ўрганиш» принципи).

2. Иккинчи кўзғовчи биринчи кўзғовчи билан биргаликда тез-тез ишлатилиб турса, у биринчи кўзғовчининг ўрнини боса олади. («Шартли рефлекслар орқали ўрганиш» принципи).

3. Ўзлаштиришда эришилган яхши натижалар мақтаб турилса, бундай натижалар кўпайиб бораверади. («Кучайтириш орқали ўрганиш» принципи).

4. Аниқ бир мақсадга қаратилган тарзда ишлатилган мақтов ва жазолар орқали деярли исталганча тегишли ўзини тутиш тарзлари ўзлаштирилиши ва яна йўқ қилиниши мумкин.

Амалиётда ўрганиш учун эса бундан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

Кўзғовчи сифатида берилган ҳар бир қисқа саволга иложи борича тўғри жавоб берилиши билан уни дарров (масалан «Яхши жавоб!» деб) мақтаб кўйиш керак. Нотўғри жавоб ҳам очиқ ва ойдин танқидланиши (танбеҳланиши) лозим.

Ёки амалиётда: ўқувчилар бир иложи борича қисқа иш босқичи билан таништирилади, сўнг уни қайтарадилар ва то уни мукаммал билмагунларича машқ қиладилар. Бу ҳам очиқ ва ойдин танқид олиниши керак. Бу ерда кичик ўқув босқичлар катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда бу усулга баъзи дидактик элементлар қўшилиб мукаммалаштирилди. Бундан ташқари, босқичларни бироз мураккаброк қилишга ҳаракат қилинмоқда. Яъни, шундай машқлар ҳам киритилиши мумкинки, улар доирасида ўқувчи бирданига бир неча кўникмалар ва операцияларни амалда бажариши керак. «Тушунтириш» ва «нима қилишни кўрсатиб бериш» поғоналари эса босқичма-босқич амалга оширилади.


Ҳайвонлар устида муваффақиятли ўтказилган экспериментлар асосида олимлар инсон ўзини тутишини истаганча манипуляция қилиш (бошқариш) мумкин деб ҳисоблаб, инсон фикрлашидаги ички жараёнларни батамом

эътибордан ташқарида қолдиришган, чунки улар фақат бир жонзот ташқи кўзғовчиларга қандай реакция қилишларини ўлчаган холос.

Кўникмаларни ўргатишда эса бу усул ўзини жуда ҳам яхши оқлади. Шунинг учун бу усул касбий-техникавий соҳаларда энг аввало иш ўрнида керакли кўникмаларни ўргатишда келажакда ҳам муҳим роль ўйнайди.

#### 4 поғона усули доирасидаги ҳаракатлар

4 поғона деб қуйидаги поғоналар аталади. Улар давомида бир амалиёт ўқитувчиси, бир ўқувчилар ҳаракат қилади:



**1-поғона:** Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У ўқувчиларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўникмани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Ўқувчилар эса амалиёт ўқитувчиси оғзаки тушунтиришларини тинглашади.

**2-поғона:** Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай қилиниши кераклигини қилиб кўрсатади, ўқувчилар эса қараб туришади. Одатда амалиёт ўқитувчиси нима қилаётгани хақида ўқувчиларга изоҳлар (комментарийлар) бериб боради. Яъни бу ерда демонстрация (намойиш этиш) тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

**3-поғона:** Амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтарадилар. Амалиёт ўқитувчиси улар қилаётган иш юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради.

**4-поғона:** Ҳар бир ўқувчи иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариб кўрганидан ва иш босқичини тўғри бажариш бўйича амалиёт ўқитувчисининг изоҳларни тушунганидан кейин, бу иш босқичи кўп маротаба машқ қилинади ва кераклигича, яъни мақбул натижага эришилмагунича, такрорланади.

Бундан кейин амалиёт ўқитувчиси кейинги иш босқичига ўтади. Бу босқич ҳам 4 поғонадан иборат.

Бу 4 поғона усулининг асосий белгиси шуки,

- амалиёт ўқитувчиси томонидан бошқарилган назарий ва амалий маълумот бериш даврлари (фазалари) энг бошида туради, сўнг эса ўқувчиларнинг ҳаракатлари билан алмашинади;

- ўқувчиларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланган;
- ўқувчилар индивидуал ўрганишга (ўзлаштиришга) йўналтирила-дилар, лекин мустақил фикрлашга ҳақлари йўқ;
- иш ташкиллаштириши (иш тартиби) одатда ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўймайди.

#### **4 поғона усули доирасидаги йўл-йўриқлар.**

**1-поғона: Тушунтириш-қизиқтириш (мотивация). Маълумот бериш.** Амалиёт ўқитувчиси биринчи навбатда инструктажни синфхонада ёки иш ўрнида ўтказмоқчилигини ҳал қилади. Бу инструктаж моҳияти ва турига боғлиқ. У инструктаж вақти 20-30 дақиқадан ошиб кетмаслигини режалаштиради.

Топшириққа қаратилган иш инструктажи ўқувчиларни қизиқишини ўйғотишдан бошланади, чунки уларнинг қизиқиш ва эътиборини ўрганилаётган нарсага қаратилиши керак.

Сўнг амалиёт ўқитувчиси ўқувчиларга амалий топшириқни бажариш учун керакли барча маълумотларни беради ва бажариладиган жараёнларни тушунтиради. Шу пайтда у ўзи амалий тажрибасидан таниган барча ўқув-дидактик материаллардан, масалан, чизмалар, иш режалари, эксплуатация бўйича инструкциялар, инструментлар ва хомашёлардан кўرғазмали материаллар сифатида фойдаланиши мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси иш босқичларини уларнинг кетма-кетлигида тушунтиради ва керак бўлса, ўқувчиларга шу босқичларни ўзларининг иш режаларига киритишларини талаб қилади.

Шу пайтда ўзида у ўқувчиларга сифат фарқини намоиш этиш мақсадида яхши ва ёмон синов иши мисолларини кўрсатиши мумкин. Ўқувчилар нисбатан пассив бўлишади, улар тинглашади ва қараб туришади.

**2-поғона: Нима қилишни кўрсатиб бериш - Демонстрация (намоиш).** Бу поғонада амалиёт ўқитувчиси тушунтирган иш босқичларини ўзи қилиб кўрсатади. Бунинг учун у аввал керакли иш ўрнини пухталиқ билан тайёрлаб қўйган бўлади ва ўша иш ўрнида демонстрацияни (намоишни) ўтказиши керак. Ишни бажариш учун керакли барча инструментлар, хомашёлар ва иш режаси ҳамда, керак бўлса, тегишли станок (ускуна) тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Намоиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ўқувчилар диққат билан қараб туришларини таъминлайди.

Бирор кўникмани 3 марта намоиш қилиниши тавсия этилади:

**1 - намоиш:** оддий тезликда ўтказилади; ўқувчиларда тўла ва ҳақиқий тасаввур пайдо бўлиши учун.

**2 - намоиш:** атайин секин тезликда ўтказилади; ҳар бир босқични алоҳида ва хусусиятларни яхшироқ кўрсатиш ҳамда меҳнат хафсизлиги қоидаларини тушунтириш учун.

**3 - намоиш:** оддий тезликда ўтказилади; кўникмани яна бир марта тўла равишда кўрсатиш ва ўқувчиларда «ички суръат» (яъни аниқ тасаввур) пайдо бўлиши учун.

Намойиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ҳар бир қадамини изоҳлаб боради. Сўнг бевосита инструктаж қисми тугайди.

**3-поғона: Кўрсатилган тарзда қайтариш - Тақлид (имитация).** Энди эса ўқувчиларнинг ҳар бири амалиёт ўқитувчисининг ҳаракатларини у кўрсатган тарзда қайтаришлари керак. Ўқувчилар ишлаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ўз фикрини билдиради, яхши ишни мақтаб, ёмон ишни танқид қилади ва нима қилишни яна бир марта кўрсатади.

Ҳамма ўқувчилар иш жараёнини тушунганлигини кўрганидан кейин амалиёт ўқитувчиси машқ қилишни бошлашга белги беради.

**4-чи поғона: Машқ қилиш.** Ўқувчилар доимий такрорлаш орқали инструмент ва ускуналарда иш жараёнларини машқ қилишлари учун амалиёт ўқитувчиси уларга етарлича хом ашёлар бериб қўяди.

Ҳар бир ўқувчи ўзи ишлайди ва бир хил ишлаш усулларини қўллайди.

Агар иш натижаларининг сифати мақбул натижа стандартига (олдиндан белгиланган сифат мезонларига - аниқ мақсадларга) жавоб берса, иш тугатилиши мумкин. Амалиёт ўқитувчиси бу ерда назоратчи вазифасини бажаради.

Эслатма:

1-2 - босқич давомида амалиёт ўқитувчиси ўқувчиларда дастлабки билимлар бор ёки йўқлигини аниқлаши мумкин. Агар дастлабки билимлар даражаси етарлича бўлмаса, бу ҳолда у назарий дарс ўтказиши керак.

**Дидактик ва машқ материалларини тайёрлаб қўйиш**

4 поғона усули кўп ва катта тайёргарликлар кўришни талаб қилмайди, яъни жуда оз воситалар билан ҳам ишлаш мумкин.

**Дидактик ва машқ материаллар** сифатида одатда асл (оригинал) иш ҳужжатлари ишлатилади, масалан техник чизмалар ёки бирор электросхема, иш босқичлари ва изоҳлар кўрсатилган жадвал шаклидаги иш режаси, ҳамда контроль варағи, унда ўқувчининг натижаси ёзиб қўйилади. Маслаҳат: чизмаларни плёнкага чиқарилмайдиган қилиб солиб қўйган яхши ва ўқувчиларга кўриш учун бериш керак. Иш режасини эса шахсий меҳнат воситаси сифатида ҳар бир ўқувчи ўзи тўлдириши керак. Бу мақсадда амалиёт ўқитувчиси тегишли формулярни тайёрлайди ва ўқувчиларга тўлдириш учун тарқатади.

## Шўжжат

**Техник чизма ёки электросхема**



**Иш режаси**


**Назорат варағи**


**Тарқатмалар**


Назорат ёки баҳолаш варағи ҳам формуляр шаклида бўлиши керак, натижаларнинг исботи сифатида машқлар тугаганидан кейин ўзида сақлаб қолади.

Қўшимча равишда ўқувчиларга тарқатма материаллар (тарқатмалар) берилиши мумкин. Тарқатмалар - дарсликлар ёки эксплуатация бўйича инструкциялардан олинган қисқа маълумотлар (экстрактлар) бўлиши мумкин.

**Машқ материаллари** деб амалий бажариш пайтида керакли хомашёлар, чиқим материаллари ва ёрдамчи материаллар аталади. Улар касб-хунарга бевосита боғлиқ бўлиб, таълим берувчи корхонанинг (фирманинг) маҳсулотларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Керакли машқ материалларини амалиёт ўқитувчиси одатда бир йил олдиндан режалаштиради. Ҳисоб асосини ташкил қиладиган маълумотлар: бир йилда таълим оладиган ўқувчилар сони, бир йилда ўтказиладиган машқлар сони ва бунинг учун керакли хомашё, чиқим ва ёрдамчи материаллар миқдори.

Жуда оддий мисол:

Эговлаш машқлари учун 40ммх40ммх100мм хажмидаги тўрт қиррали пўлат кўзда тутилган. Йил давомида тахминан 30 ўқувчи шу машқни қилишади.

Демак бу йил учун 3 метр пўлат керак бўлади (30 киши х 100 мм).

Бундай режаларни тузиш учун амалиёт ўқитувчиси шундай бир ҳужжатни ишлаб чиқариши керакки, унда қуйидаги индикаторлар (маълумотлар) бўлиши керак:

- барча курслар давомида ўтказиладиган машқлар рўйхати (номи ва сони);
- бирор техник чизма мавжудлиги (ҳали ўқий олинарлигини текшириш);
- бу машқлар бўйича хом хажмлар кўрсаткичлари (ҳар бир нарсанинг тайёр хажми плус чиқими);
- зарур бўладиган инструментлар, текшириш ва ўлчаш инструментлари, ёрдамчи воситалар, асбоб-ускуналар тўғрисида маълумотлар;
- кўникмалар ва тахминан қанча вақт кетиши тўғрисида маълумотлар.

Режалаштиришда эътибор бериш керак бўлган кейинги нарса - бу инструментлар ейилиши. Буни инобатга олиш лозим, негаки амалиёт ўқитувчиси қачон ва қандай миқдорда инструментлар алмашиши керак бўлишини билиши зарур.

Тайёрлаб қўйиладиган инструментларни биз икки турга бўламиз:

- устахонада умумий фойдаланиш учун мунжалланган инструментлар (масалан, қимматбаҳо ўлчаш воситалари, камдан-кам ишлатиладиган махсус инструментлар),
- иш ўрнида индивидуал фойдаланиш учун мўлжалланган инструментлар (ўқувчига бериб қўйилади),
- асбоб-ускуналарга тааллуқли инструментлар,
- амалиёт ўқитувчисининг инструментлари ва ҳоказо.

Ҳар бир ўқувчида ўзининг индивидуал инструментлари бўлса, фақат шундагина ҳамма ўқувчилар машқларни бир вақтда бажаришлари мумкин.

Агар буни иложиси бўлмаса, бошқа ташкилий ечимлар топилиши керак, масалан, инструментларни галма-гал ишлатилиши, машқлар алмашилиши ва бошқа ечимлар.

### 1.10. ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН УСУЛИ АСОСЛАРИ

Йўналтирувчи матн усули ўтган асрнинг 70 йилларида «Daimler Benz» корхонасининг Гаггенау шаҳридаги (Daimler Benz AG (Gaggenau)) ўқув устахонаси томонидан ишлаб чиқарган. Бу усул товуш ва тасвири презентациялар билан жиҳозланган мустақил ўрганиш дастурлари шаклидаги лойиҳавий касб-ҳунар таълимига қўшимча сифатида ишлаб чиқарилган.

Бошланғич шаклида бу усул касб-ҳунар таълими амалиётчилари томонидан ишлаб чиқарган, кейинчалик эса назарий жиҳатдан асосланиб, илмий асосда такомиллаштирилган.

Йўналтирувчи матн усулида қуйидаги 6 босқич фарқланади; улар доирасимон ҳаракатда алмашишади:



- 1. Маълумот йиғиш**
- 2. Режалаштириш**
- 3. Қарор қабул қилиш**
- 4. Амалга ошириш**
- 5. Текшириш**
- 6. Хулоса чиқариш**

Бу босқичлар ҳаммаси ўқувчи томонидан амалга оширилади. Бу усулни ишлаб чиқарилишига сабаб лойиҳалар устида иш билан боғлиқ ташкилий муаммолар эди, чунки ўқувчилар ҳар хил тезликда ишлашлари туфайли бутун гуруҳ учун инструкторга ўтказишга қулай вақтни топиш қийин эди. Бир ўқувчи ҳаммадан тез ишлаб, янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлган бўлса, секинроқ ишлаган ўқувчилар учун эса янги инструкторнинг фойдаси жуда кам эди. қайтага, янги инструктор уларнинг ишларига халал бергандай ёки кераги йўқ тўхталиш каби туюлар эди. Яъни ўқувчилар қизиқиши (мотивацияси) қисман барбод қилинади.

Йўналтирувчи матнлар ёрдами билан мустақил инструктор имконияти пайдо бўлди ва ҳар бир ўқувчи айнан унга янги кўникма учун билимлар керак бўлган пайтда шу билимларни олиши мумкин бўлди.

Энг биринчи йўналтирувчи матнлар - бу асли оғзаки равишда ўтказиладиган инструкторларнинг ёзма шакли эди. Лекин барибир барча маҳсус маълумотлар ўқувчиларга иложи борича оғзаки берилар эди.

Бугунги кунда эса йўналтирувчи матнлар шундай тузилганки, ўқувчилар йўналтирувчи саволлар ёрдамида ўзлари керакли маълумотларни (китоб, жадвал, инструкция, видеокассеталар ёки компьютер дискларидан олиб) ишлаб чиқаришни ўрганишади.

Натижада ҳозир янги бир ўргатиш усули ва янги бир ўрганишни ташкиллаштириш тарзи вужудга келди. Унинг асосий белгиси - бу ўқувчи кўпроқ мустақил равишда ўрганишидир; амалиёт ўқитувчиси эса заифроқ ўқувчилар билан кўпроқ шуғулланиши мумкин бўлиб қолди. Ўқувчиларнинг мустақил ишлаши эса ўз навбатида кўшимча фойда келтирмоқда: юқорироқ кўникма ва қобилиятлар соҳасида, яъни биргаликда мулоқотда бўлиш, биргаликда режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилиятлар ривожланади.

Командада (биргаликда) ишлаш орқали муайян ижтимоий компетенциялар ривож топади ва уларга мўлжалланган мақсадлар ҳам белгиланиши мумкин бўлди. Кўриб турибмизки, вақт ўтган сари йўналтирувчи матн усули қўлланишининг маъноси ўзгарди, чунки бугунги кунга келиб бу усул айнан ўша «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятларни ривожлантириш мақсадида қўлланади. Бу тушунчани Германияда таълимот мунозарасига меҳнат бозори тадқиқотчиси Д. Мертенс киритган. У бу тушунча билан асосан услубий компетенцияларни (яъни фикрлаш, ташкиллаштириш ва режалаштириш усулларини) атаган.

Ҳозирги кунда эса, бу тушунча билан шундай қобилиятлар, кўникма ва ўзини тутиш тарзлари аталадики, улар айнан шу касб-хунарга оид

квалификациялардан ташқари ва уларга қўшимча сифатида барча бошқа касб-хунарларда керак бўладиган ҳатти-ҳаракатларни билдиради.

Булар орасида - мустақил режалаштириш, амалга ошириш ва ўз ишини текшириш.

4 поғона усули билан солиштирадиган бўлсак, бу усулда амалиёт ўқитувчисининг фаолияти кўпроқ дардан олдин ва дардан кейин қилинадиган ишлардан иборат. Лекин бевосита инструктаж жараёнида қилинадиган ишлар эмас; ўқувчилар эса, қайтага, барча даврларда (фазаларда) мустақил ишлашади.

### **Йўналтирувчи матн усули доирасидаги ҳаракатлар**

**Таълим мақсади - мустақил касбий ҳаракатланиш.** Германияда КХТнинг энг муҳим мақсади - ўқувчини малакали касбий фаолиятни бажаришга қодир қилиш, бунинг ичига эса мустақил режалаштириш, амалга ошириш ва текшириш киради. Бўлажак ишчи-мутахассислар бу талабга касб-хунарида жавоб беришлари керак.

Албатта, ишчи-мутахассислар бундай кенг малакага уларнинг иш жойидаги шарт-шароитлар ва имкониятлари доирасида жавоб бера оладилар.


Шу боис мустақил режалаштириш, амалга ошириш ва текшириш деганда, ишчи-мутахассиснинг корхонадаги фаолият ваколатлари билан адаштириш мумкин эмас.

Мустақил ҳаракат қилиш дегани, шуни англатадики, ишчи-мутахассис унга топширилган ишларни мустақил равишда, яъни бировнинг бошқариб туришисиз амалга ошириши керак. Масалан, бирор ишни бошлашдан олдин иш тартибини режалаштириш, ишлаб чиқариш усулини белгилаш ёки керакли материалларни танлаш ва иш тугатилганидан кейин натижа сифати контролини ўтказиш.

Бундан ташқари, мустақил ва маъсулиятли ишловчи ишчи-мутахассислардан кутиладиган нарса шуки, улар иш тартибини иқтисодий мезонлар асосида, яъни тежамкорлик асосида режалаштириш ва амалга оширишлари керак. Яъни улар, масалан, тежамли ишлаб чиқариш усуллари ишлатиш, материаллардан ёки энергиядан тежамли фойдаланиш усуллари билишлари керак.

Корхонада ўтказилаётган ўқув жараёнида «мустақил ҳаракатланиш» деб аталган ўқув мақсаднинг эришилиши фақат тасодифан бўлишига йўл қўйилмайди. Бу малакани систематик равишда ўргатиш КХТ амалиётининг доимий омили бўлиши лозим.

Мустақил ҳаракатланишни ривожлантириш таълимнинг биринчи куниданок унинг таркибий қисми бўлиши лозим. Бунинг учун топшириқларни бажаришда режалаштириш ва



текшириш вазифалари киритилиши лозим.

### **Мукаммал ҳаракат модели.**

Мукаммал ҳаракат модели - мустақил касбий ҳаракатланиш модели деб ҳам аталган модель - таъриф сифатида касбий-техникавий соҳада учрайдиган кўплаб иш фаолиятларига мос келади. Масалан, мақсад кўринарли, ўлчанарли натижалардан иборат бўлган ҳолларда. Бу модель бир касбий ҳаракатни 6 та алоҳида ҳаракат босқичларига бўлади.

Мукаммал ҳаракатни амалга оширилишининг ўзи ўрганиш билан тенг деб ҳисобланади. Педагогик муаммо шундан иборатки, ҳар бир алоҳида босқич бўйича бир стратегияни танлаш керакки, ўқувчи ҳам хаёлида (хаёлда синов сифатида ҳаракатни бажариш), ҳам амалда мукаммал ҳаракатларни бажариши таминланиши керак.

Йўналтирувчи матн усули бу муаммони шундай ҳал қилади: бу усул хаёлда бажариладиган жараёнларни деярли ташқарига чиқаради. Яъни, одатда фақат хаёлда бўлиб ўтадиган нарсалар, бу усул бўйича ёзилиши ёки овоз чиқариб айтилиши керак.

Шунинг учун бу ерда бир неча тескари алоқа жараёнлари мавжуд.

«Маълумот йиғиш» (1), «Режалаштириш» (2), «Амалга ошириш» (4) ва «Текшириш» (5) босқичларини ўқувчи дейярли бутунлай ўзи ёки кичик гуруҳларда бажариши мумкин. «Қарор қабул қилиш» (3) ва «Хулоса чиқариш» (6) босқичларида эришилган натижалар эса амалиёт ёки назариёт ўқитувчилари билан батафсил муҳокама қилиниши керак.

Ўқув жараёнини бундай босқичларга бўлиниши ўқувчиларни иложи борича кўпроқ мустақил ўрганишга туртки беради. Ўқувчиларга «Маълумот йиғиш» ва «Режалаштириш» босқичларида ёзма ҳужжатлар, масалан техник чизмалар, жадваллар, эслатмалар, йўриқномалар ёки ўқитувчи ўзи тузган ҳужжатлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳужжатлар мустақил ўрганиш жараёнини жуда яхши кучайтиради.

Амалиёт ва назариёт ўқитувчиларининг ўзини тутиши бу усулни кўллашда аниқ шаклланади. Амалиёт ўқитувчиси ўқув жараёнида модератор ролини ўйнайди, яъни у ҳар бир босқич учун керакли маълумот материалларини тайёрлайди ва ўқувчиларга мустақил маълумот йиғишда ёрдам бериб туради. У ўқувчиларни аниқ мақсадга қаратилган иш-ҳаракат қилишига туртки беради, ўқувчининг прогрессини назорат қилади ва ўқувчилар билан биргаликда ўрганишдаги нуқсонларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўйлайди.

Ўқувчи эса ўз таълимининг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Энди у фақат тингловчи эмас, балки бажариладиган топшириқ учун керакли барча маълумотларни йиғади, ўз иш тартибини ва керакли вақтни ўзи режалаштиради ва қолаверса ўз иш натижасини ўзи баҳолайди. Буларнинг ҳаммасини ўқувчи битта ўзи қилиши мумкин ёки бошқа ўқувчилар билан биргаликда бажариши мумкин, бу эса мақсадга ниҳоятда мувофиқ бўлади.


Ўқувчилар шундай роль ўйнашлари ва ўзларини шундай тутишлари «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятлар ривожланишига жуда ҳам катта ёрдам беради, яъни мустақил ўрганиш, мулоқот тузиш, жамоада

ишлаш ва энг муҳими ўз натижаларини ўзи баҳолаш ва иш-ҳаракатларини режалаштириш каби қобилиятларини ривожлантиради. Йўналтирувчи матн усули доирасидаги ҳаракатлар қуйидаги тарзда амалга ошади:

### 1.11. ЛОЙИҲА УСУЛИ АСОСЛАРИ

Лойиҳа усули йўналтирувчи матн усули билан чамбарчас боғлиқ, чунки йўналтирувчи матн усули ишлаб чиқарилганлиги-нинг сабаби лойиҳалар устидаги ишларда пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўлган.

Йўналтирувчи матн усули бугунги кунда шундай соҳаларда қўлланилмоқдаки, у ерда ҳеч қандай лойиҳа ҳақида гап кетмайди. Лекин лойиҳа усули хусусан лойиҳалар билан ишлашни ўрганиш, ўзлаштиришни кучайтириш мақсадида такоммилаштирилди.



Ҳозирги кунда бу иккита усулни бир биридан қуйидаги нуктаи назардан фарқлашади:


- йўналтирувчи матн усули эътиборни мустақил ўрганишга қаратади;
- лойиҳа усули мустақил ўрганиш мақсадидан ташқари эътиборни барча касб-ҳунарларда керакли шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни ўрганишга қаратади (яъни, пойдевор квалификацияларга), чунки бу квалификациялар корхона ва фирмаларнинг амалиётида учрайдиган меҳнатни ташкиллаштириш шакллари асосланган.

Лойиҳа усулининг концепцияси фирма ва кичик корхоналарнинг малакали ишчи-мутахассисларга қўйилган замонавий талабларига тўларок жавоб бериш мақсадида такомиллаштирилади. Чунки бугунги кунда меҳнат бозори нафақат юқори даражада таълим олган ишчи-мутахассис ва ҳунармандларни талаб қилмоқда. Бу ишчи-мутахассислардан ўз касб-ҳунари

бўйича билим-кўникмаларидан ташқари ижтимоий ва шахсий компетенциялар соҳасига тегишли шахсий қарашларга эга бўлишлари талаб қилинмоқда. Бундай компетенциялар эса аффеktiv компетенциялар соҳасига тегишли компетенциялардир.

Бу дегани, ишчи-мутахассислар ўз касб-хунарларига оид билим-кўникмалардан ташқари, мисол учун, қуйидаги қобилиятларга эга бўлишлари лозим:

- ташаббус кўрсатиш;
- муаммоларга систематик ёндашиш;
- қарорларни мустақил қабул қилиш;
- мосланувчан бўлиш;
- бирор муаммони ўзи ҳал қилиш;
- доим малакасини оширишга истагини кўрсатиш;
- ҳамкорликка тайёр ва маъсулиятли бўлиш.



Пойдевор квалификациялар замонавий меҳнат шароитларида якка тартибда ишлашда ҳам, бошқалар билан биргаликда фаолият шаклларида ҳам талаб қилинади. Бунинг сабаблари - бетўхтов ривожланиб бораётган янги технологиялар, саноат ва хунармандлик корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларида юз берган ташкилий шакллардаги ўзгаришлардир.

Лойиҳа усулининг мақсади шуки, унда ўқувчилар бу квалификацияларни кейинчалик амалиётда, яъни ишга кирганларидан кейин эмас, балки касб-хунар таълими доирасида ўрганиб олишларидир. Шунинг учун ҳам бу квалификацияларни касбий малака билан биргаликда иложи борича теппа-тенг ривожлантириш лозим.

Лойиҳа усули хусусан «SIEMENS AG» (Сименс) корхонасида кенг қўламда ва яхлитлик нуқтаи назардан такоммиллаштирилди ва унга бу ерда «Projekt- und transferorientierte Ausbildung» (қисқартмаси РЕТРА) деган ном берилди, яъни «Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятда қўллашга қаратилган таълим». қуйидаги мавзулар айнан шу концепцияга асосланган ҳолда таърифланади.

Бу усулнинг хусусияти шуки, ҳар хил ҳужжатлар ва формулярлар ишлатилиши керак. Негаки улар лойиҳа давомида барча поғоналарни қайд этиш учун ва лойиҳа ишини таққослаш имконияти учун керакдир.

Бу ҳужжатлар ва формулярлар амалиёт ўқитувчиси томонидан ўқувчиларга тўлдириш учун берилиши лозим.

Керакли ҳужжатлар ва формулярлар қандай ва қанча бўлиши ҳар бир лойиҳа хусусиятлари асосида белгиланиши лозим. Лекин бу ўқувчилар баъзи бир уларга керак бўлган ҳужжатларни ўзлари ишлаб чиқаришлари ҳам мумкин.

Ҳар ҳолда керак бўладиган ҳужжатлар ва формулярлар бу:

- лойиҳа (чизмалар, электросхемалар);
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- йўналтирувчи саволлар, «Маълумот йиғиш»дан бошлаб - лойиҳа ишининг барча 6 даври (фазалари) бўйича;
- ўқув мақсадлар ҳақида маълумотлар (Режалаштириш варағи - шу жумладан танланган пойдевор квалификациялар таърифи);
- ишлаш тартиби бўйича формуляр;
- вазифаларни тақсимлаш бўйича формуляр;
- иш режаси формуляри;
- баҳолаш варағи формуляри;
- назорат протоколлари формуляри;
- инструментлар рўйхатлари, ўлчаш воситалари рўйхатлари, ёрдамчи материаллар рўйхатлари;

#### **Лойиҳа усули доирасидаги ҳаракатлар.**

Лойиҳа усули бутун амалий таълим жараёни доирасида қўлланиши мумкин.

Бунинг учун зарур шарт-шароит лойиҳалар борлиги; лойиҳалар қўйидагича бўлиши керак:

1) Аниқ чекланган топшириқ, масалан бирор нарсани режалаштиришдан бошлаб то сифат текширишгача ишлаб чиқариш ёки бирор электросхемани оптималлаштириш, ишлаш тартибининг таърифи билан бирга;

2) Ўқувчилар нуқтаи назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у ўқувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак; ўқувчилар қийинчиликларни ҳал қилишлари ва мавжуд билимларидан ташқари бошқа билим-кўникмаларини ишлатишга мажбур бўлишлари керак;

3) Ўзлаштирилган квалификациялар ҳар хил ўқув жойларда шундай бириктирилиши мумкинки, янги топшириқ бажарилиши мумкин бўлади - режа асосида ва иложи борича мустақил ҳаракатланиш талаб қилинади.

Лойиҳа (лотинча: projectum - олдинга ташлаб юборилган нарса) ўрганишга хизмат қилиши, назария билан амалиётни боғлаши, корхонада учрайдиган бирор иш жараёнига таалуқли бўлиши, ўқувчилар томонидан иложи борича мустақил режалаштира олинадиган ва ўқувчилар томонидан

чекланган бир доирада мустақил равишда ташкиллаштиришни ва амалга ошира оладиган бўлиши лозим. Бунда ўқувчилар ўзларининг касбий равишда муаммони ечиш ва ҳамкорлик усуллари ва стратегияларини ишлаб чиқариш имкониятларга эга.

Таълим доирасида лойиҳа мисол учун бирор инструмент ёки ускуна ёки унинг бир қисми бўлиши мумкин. Автомеханик бўлмоқчи бўлган ўқувчилар учун лойиҳа мисолига бирор моторни тузатиш ёки сантехниклар учун бирор нарсани ўрнатиш бўлиши мумкин. Лойиҳа бу доим бир топширик бўлиб, унинг натижаси «оддий» бир маҳсулот бўлади. Лекин «лойиҳа» деганда ҳар доим жисмоний бир «маҳсулот» тушунилмайди, чунки кўплаб шундай фаолият турлари борки, уларга бундай таъриф тўғри келмайди.

Масалан электриклар учун бирор бузуқ электр занжирни тузатиш ҳам лойиҳа бўлиши мумкин. Офис-менеджерлик соҳасида эса барча ишларни лойиҳага айлантириш мумкин, агар бу ишлар яхлит ҳарактерга эга бўлса ва ўлчаниладиган натижага олиб келса, масалан, бухгалтерия учун мўлжалланган компьютер дастурини ўрнатиш ва хоказо.

Ўқувчилар одатда вазифаларни ўзаро тақсимлаб лойиҳа гуруҳи сифатида бутунлай мустақил равишда режалаштиришдан бошлаб то амалга ошириш ва хулоса чиқаришгача биргаликда ишлашади. Топширик берилган вақтидан бошлаб то унинг ечилишигача амалиёт ўқитувчиси ўқувчиларни мустақил равишда ўрганишга жалб этиб туриши лозим. Амалиёт ўқитувчиси ўрганиш жараёнини назорат қилади ва систематик равишда бошқаради; у фақат жуда керак бўлган ҳолда жараёнга аралашishi мумкин ҳолос.

Лойиҳа усулининг асосий мақсади шуки, бир томондан топширикни бажариш учун керакли барча билимлар ва кўникмалар жараён давомида ўрганилишидир. Бошқа томондан эса, топширикни ечиш усули доим танланган пойдевор квалификацияларни бирдан ривожлантиришга мўлжалланган бўлишидир.


Лойиҳа ишини тайёрлашда, йўналтирувчи матн усули каби, амалиёт ўқитувчиси қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

Амалиёт ўқитувчиси

- лойиҳа иши учун бирор мисолни белгилаши,
- лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқариши,
- лойиҳа ишини ўқув жадвалига киритиши,
- лойиҳа қандай ўтишини ўйлаб чиқиши ва топшириқни ўқувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларнинг топшириқни бажара олишларини таъминлаши,
- ўқувчиларни лойиҳа иши билан таништириши ва уларни ишига аралашмасдан кузатиб туриши лозим.

Лойиҳа усулининг амалга оширилиши йўналтирувчи матн усули каби мукамал ҳаракатланиш моделига асосланади:

(киёсланг: Йўналтирувчи матн усули)



**Маълумот йиғиш.** Бу давр (фаза) учун амалиёт ўқитувчиси аввал бир неча материал ва ҳужжатларни тайёрлаши лозим:

- лойиҳа (чизмалар, электросхемалар);
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- маълумот йиғишга оид йўналтирувчи саволлар;
- ўқув мақсадлар ҳақида маълумотлар (шу жумладан, танланган пойдевор квалификациялар);

Лойиҳа ўқувчиларга чизмалар ёки электросхемалар шаклида бериб кўйилади. кўшимча сифатида топшириқ таърифи ҳам берилади.

Сўнг амалиёт ўқитувчиси ўқувчиларни йўналтирувчи саволлардан фойдаланиб топшириқ таърифини таҳлил қилишга жалб этади. Ўқувчилар мустақил равишда дарслик, жадвалли китоблар, шахсий ёзувлари, тарқатма материаллар асосида маълумот йиғишади. Бундан ташқари улар бошқа техник саволлар, қўлланиши мумкин бўлган иш тартиби босқичлари, иш поғоналари, инструментлар ва керакли иш материалларга оид ҳужжатлардан фойдаланишлари мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси ўқувчиларга техник чизмаларни фойдаланишга беришидан мақсад, улар шу чизмалар асосида муҳим қисмларни чизиб олишади ва ўз иш ҳужжатларига кўчириб олишади.

Сўнг ўқувчилар ҳам ўз навбатида лойиҳа ишлаш тартибининг таърифини тузишлари лозим. Шу равишда улар лойиҳанинг бориши ва сифати учун муҳим бўлган асосий ўзаро алоқаларни, алоҳида иш поғоналарини, қайси поғонада ва қайси вақтда оралиқ назорат ўтказилишини ва ҳоказоларни аниқлашади.

**Режалаштириш.** Сўнг ўқувчилар мустақил равишда иш режасини тўлдиришади. Иш режаси уларга формуляр сифатида берилиши мумкин. Бу режада иш босқичлари уларнинг технологик кетма-кетлигида, материал, инструментлар, ёрдамчи воситалар ва ҳоказо режалаштирилиши лозим.

Бу ерда ҳам ўқувчилар йўналтирувчи саволларни қўллаб, ўзларининг шахсий ёзувларидан, масалан назарий дарсда қилинган ёзувларидан фойдаланишади.

Ўқувчилар ўзлари ҳам шундай режа лойиҳасини ишлаб чиқаришлари мумкин. Бу нарса таълимнинг олдинги босқичида амалга оширилиши ёки бажармаслиги мумкин. Негаки иш режаси - бу берилган топшириқни бажариш учун керакли босқичлар кетма-кетлигининг таърифидир. Лекин иш режаси бирор иш жараёнининг бир қисми бўлиши ҳам мумкин. Иш режасида технологик босқичлар ва улар учун ажратилган вақт, керакли инструментлар ва ускуналар ҳамда меҳнат ҳафсизлигига оид чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар ҳам кўрсатилиши ҳам мумкин.

Иш режаси билан бир вақтнинг ўзида бир неча ҳар хил кичик гуруҳларда «қисман лойиҳа»лар устида ишлайдиган ўқувчилар орасида вазифалар тақсимланишини ва сифат назорати режалаштириш мумкин.

**Қарор қабул қилиш.** Ўқувчилар амалиёт ўқитувчиси билан биргаликда режалаштириш даврида (фазасида) юзага келган натижаларни муҳокама қилишади. Амалиёт ўқитувчиси бу дискуссияни модераторлик йўлида ва «пинванд» доскасини ишлатиб ўтказиши мумкин. Бундай равишда ҳар хил ечимлар бир бири билан таққосланади ва энг яхши вариант танлаб олинади.

Бу иш пайтида кичик гуруҳлар аъзолари ҳам аниқ белгиланади. Уларнинг вазифаси бутун лойиҳанинг қисман топшириқларини ҳал қилиш бўлади.

**Амалга ошириш.** Ўқувчилар иш топшириғини иш режаси асосида мустақил равишда бажаришади.

Улар яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси жараёни назорат қилиб туради, пойдевор квалификациялар ривожланишини таҳлил қилади ва назорат натижаларини махсус «Назорат протоколи»га ёзиб қўяди.

Бу протоколда ўқувчиларни баҳолаш мезонлари бўлиши лозим. Бу мезонлар тегишли пойдевор квалификацияларни ҳисоблаб аниқлашни кўрсатади. Пойдевор квалификациялар деганда, бу мисол учун мулоқот қобилиятлари, ҳамкорлик, маъсулиятга онгли муносабат ва мустақиллик каби қобилиятлар бўлиши мумкин.

Пойдевор квалификациялар ривожланиши бир неча поғоналарда кўрсатилган бўлиши мумкин. Бу поғоналар ўқувчилар бу квалификацияларга қай даражада эришганларини кўрсатади.

«PETA» концепциясида пойдевор квалификациялар ривожланиш даражасининг 4 поғонаси фарқланади:

**Репродукция поғонаси.** Ўқувчи янги мазмунларни ўрганиб олади, масалан тақлид қилиш орқали ва ўрганган нарсасини амалиёт ўқитувчиси бошчилигида бевосита қўллай олади.

**Реорганизация поғонаси.** Ўқувчи энди асосий кўникма ва билимларни ўзлаштириб олди ва муайян топшириқларга нисбатан ҳаттоки узоқроқ вақт ўтганидан кейин ҳам - қўллай олади.

Мавжуд билимларни бошқа вазиятда қўллаш поғонаси. Ўқувчи ўрганиб олган билимларини, керак бўлса, бироз ўзгартириб ишлатади ва уларни ўзгарган ва янги вазиятларда қўллай олади.

Муаммони ҳал қилиш поғонаси. Ўқувчи шундай топшириқларни бажарадики, бу топшириқларда у эски ва янги билимларини бир бирига қўшиб ишлатади. У сабаб ва оқибат орасидаги ўзаро алоқаларини аниқлай олади, систематик равишда ривожлантира олади, баҳолашни ҳамда танлашни билади, янги ва ижодий ечимларни топа олади.

Бу 4 поғона пойдевор квалификацияларни режалаштириш пайтидаёқ инобатга олинади. Амалиёт ўқитувчиси ўзининг «Назорат варағи»га шундай индикаторларни, яъни нишонларни киритиши мумкинки, улар унга бирор поғона эришилганлигини кўрсатиб туришади.

**Текшириш.** Ўқувчилар ўз иш натижаларини ўзлари текширишади (масалан иш натижаларини сифат мезонлари асосида баҳолаш ва баҳоларни махсус «Назорат варағи» ёки «Баҳолаш варағи»да қайд этишади).

Ўқувчилар бир-бирининг натижаларини текширишга ҳам жалб этилади. (Бошқаларни баҳолаш).

Инструктор натижаларни махсус «Хулосалар варағи» да қайд этади ва ўзининг «Назорат баённомаси» асосида хулосалар чиқаради.

**Хулоса чиқариш.** Ўқувчи ва амалиёт ўқитувчиси иш жараёнини ва натижаларини биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади (асл кўрсаткичларни норма кўрсаткичлари билан таққослаш; норма кўрсаткичларига эриша олмаганлик сабаларини аниқлаш. Кейинги сафар нималар яхшироқ қилиниши лозим?).

Бунинг учун амалиёт ўқитувчиси «Назорат протоколи» ҳамда «Хулосалар протоколи»дан фойдаланади.

### **Лойиҳа усули доирасидаги ташкилий шакллар.**

Амалий таълимни «Лойиҳа усули»ни қўллаш орқали амалга ошириш учун 3 хил ташкилий шакллар қўлланади. Бу ташкилий шакллар пойдевор квалификациялар ривожланишига маълум равишда кўмаклашишади:

- мустақил режалаштирилган индивидуал иш,
- гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш,
- гуруҳда бажариладиган иш.

Ташкилий шакллар ва пойдевор квалификациялар орасидаги ўзаро алоқа яққол ва тушунарли, чунки мустақил режалаштирилган индивидуал иш пайтида индивидуал шахсиятга оид ва касбий компетенциялар (иш топшириғини ўзи ташкиллаштириш ва амалга ошириш қобилиятлари, мустақиллик ва шахсий жавобгарлик, чидамлилик ва ҳоказо) ривожланса, гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш ҳамда гуруҳда бажариладиган иш пайтида эса ижтимоий ва касбий компетенциялар (мулоқот ва ҳамкорлик қобилияти, режалаштириш ва қарор қабул қилиш қобилияти, жамой жавобгарликни англаш ва бошқа қобилиятлар) ривожланишига ҳисса қўшишади.

Мустақил режалаштирилган индивидуал иш:

Ўқувчига лойиҳа ҳужжатлари берилгандан кейин у ўз лойиҳасини режалаштиради, бутунлай шахсий жавобгарликда индивидуал равишда ишлаб амалга оширади ва натижаларини ўзи таҳлил қилади.

Ўқувчилар орасида ҳеч қандай мулоқот юзага келмайди.

Гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш: Гуруҳга лойиҳа ҳужжатлари берилгандан кейин гуруҳ ўқувчилари биргаликда «Маълумот йиғиш - Режалаштириш - Қарор қабул қилиш» босқичларини амалга оширишади. Ундан кейин эса ҳар бир ўқувчи индивидуал равишда ишлаб ўз лойиҳасини амалга оширади. Яъни, режалаштириш пайтида у бошқалар билан биргаликда жавобгарликни ўз зиммасига олади, лекин амалга ошириш пайтида шахсий жавобгарликни ўз бўйнига олади.


Гуруҳда бажариладиган иш: Гуруҳга лойиҳа ҳужжатлари берилгандан кейин гуруҳ ўқувчилари биргаликда умумий режани тузишади. Сўнг лойиҳа бир неча «қисман лойиҳа»ларга бўлинади ва уларни бир-бирига боғловчи касбий бўғинлар гуруҳда келишиб олинади. Деталли режалаштиришни эса ҳар бир ўқувчи ўзи амалга оширади. Сўнг ҳар бир ўқувчи ёки кичик гуруҳ ўзининг қисман лойиҳасини тузади. Бу ҳолда уларнинг ҳаммаси қисман лойиҳаларни ишлай оладиган яхлит лойиҳага бирлаштириш учун биргаликда жавоб беришади.

## II БОБ

### ГУРУҲЛАРДА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИ ВА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ГУРУҲЛИ ШАКЛЛАРИДАН АМАЛИЁТДА ФЙДАЛАНИШ

#### 2.1. Таълимнинг ташкилий шакллари ташлаш

Таълим технологияларини лойиҳалаштиришда биз учун муҳими, ўқув жараёнининг тартиби ва режими эмас. Бизни кўпроқ, таълим олувчилар билан ҳамкорликдаги фаолиятимизнинг ташқи ифодаси сифатида, унинг ташкилий шакли қизиқтиради.



Бизнинг таълим олувчилар билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз, синф-дарс тизими доирасида, таълимни ташкиллаштириш шакллари куйидагиларида ўз ифодасини топади:

- фронтал иш барча таълим олувчилар билан бир вақтда ишлаш;
- гуруҳларда ишлаш:
  - - статик жуфтликларда ишлаш;
  - - гуруҳларда ишлаш;
  - - гуруҳлараро иш;
- индивидуал ишлаш.

Ушбу ташкилий шакллари хар бири жамоавий ва индивидуал таълимни биргаликдаги олиб боришни турлилиги, таълим олувчиларнинг

мустақиллик даражасини турлилиги, биз томондан ўқитиш жараёнини бошқаришни турлилиги ва бошқалар билан тавсифланади.

Уларнинг қиёсий тавсифини 1 - жадвалда кўрсатишга ҳаракат қилдик.

1-жадвал

### Таълимнинг ташкилий шакллари қиёсий тавсифи

Таълим шакллари	Характерологик хусусиятлари	
Фронтал	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ўқув машғулотининг аниқлиги ва тартиблилиги таъминланади.</li> <li>• ўқув гуруҳининг жамоаси бир бутун сифатида ишлайди.</li> <li>• тежамлилиқ - таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчилар билан ишлайди.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• таълим олувчи - таълим бериш объекти.</li> <li>• таълим бериш ялпи ҳарактерга эга - таълим олувчилар билан индивидуал таълим-тарбия ишларини олиб бориш имконияти бўлмайди.</li> <li>• таълим берувчи барчани бир вақтда бир хил дастур бўйича ўқитади, ҳар бир таълим олувчини тайёргарлик ва ривожланиш даражаси, ўқиш имкониятлари ҳисобга олинмайди.</li> <li>• «ўртача ўқувчи» га ёндошилади: таъли олувчиларнинг қобилиятлари бараварлаштирилади, ўртача ҳолга келтирилади.</li> <li>• таълим олувчилар ўзаро деярли мулоқотда бўлмайдилар ва ҳамкорлик қилмайдилар - ҳар бири ўзи учун ишлайди.</li> </ul>
Гуруҳли	<ul style="list-style-type: none"> <li>• таълим олувчи - таълим субъект ива объекти ҳисобланади.</li> <li>• гуруҳдаги иш, ҳар бир аъзосини имконияти, қобилияти ва ишлаш тезлигини ўзаро ёрдам ва ўзаро назорат қилишни ҳисобга олган ҳолда вазифаларни тақсимлаш асосида ташкиллаштирилади.</li> <li>• ҳамкорликда ишлашда гуруҳнинг ҳар бир аъзосини тажрибаси бошқаларни тўлдиради, материални ўзлаштиришга ёрдам беради.</li> <li>• гуруҳ аъзолари ва гуруҳлар ўртасида таълим олувчиларни фаолиятини, уларнинг мустақилигини, мулоқотда бўлишини ҳамкорлигини, ўзаро боғлиқ муносабат-ларда маъсулиятни сезишни таъминлайди.</li> <li>• ҳар бир аъзо ўзи учун ва бошқалар учун ҳам ишлайди.</li> <li>• натижалар, индивидуал иш пайтидагига нисбатан, кам вақт сарфланган ҳолда олинади.</li> <li>• гуруҳда ҳамкорликда ишлаш туфайли олинadиган натижалар, таълим олувчилар вазифасини алоҳида бажарганга нисбатан анча юқори бўлади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• таълим, гуруҳда ишни бажаришга ва уни натижаларини олишга маълум вақтни сарфлашни талаб қилади.</li> <li>• кўп меҳнатни талаб қилади, яъни таълим берувчи тайёргарлик учун кўп меҳнат қилиши керак.</li> <li>• нотўғри ташкил қилинганда ўқув жараёни назоратдан чиқиб кетиши ва бошқариб бўлмайдиган тус олиши мумкин.</li> </ul>
Индивидуал	<ul style="list-style-type: none"> <li>• таълим олувчиларни юқори даражада мустақил бўлишини таъминлайди.</li> <li>• таълим олувчини максимал ривожланишини, тайёргарлик, ривожланиш, қобилият ва билиш имкониятларини даражасини максимал ҳисобга олган ҳолда таълимни индивидуаллаштиришни таъминлайди.</li> <li>• таълим олувчининг кучи ва тайёргарлик даражаси бўйича ҳар бирини таълим олиш тезлиги бошқарилади.</li> <li>• ҳар бир таълим олувчига мутаносиб индивидуал ёрдам беришни таъминлайди.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• кўп меҳнатни талаб қилади, яъни таълим берувчи: индивидуал вазифаларни ишлаб чиқиши, уларни амалга оширишга ёрдам бериши, назорат қилиши ва баҳолаши учун кўп меҳнат сарфлаши керак.</li> <li>• тежамкор эмас: таълим берувчи фақат битта таълим олувчи билан ишлайди.</li> </ul>

Кўриниб турибдики таълимнинг ташкилий шакллари ҳар бирини ижобий ва салбий томонлари мавжуд.

Таълим технологияларини лойиҳалаштириш пайтида бизни танлов ишларимиз нималарга асосланиши керак?



боғлиқ ҳолда, уни қўйилган таълим мақсадларига, режалаштирилган натижаларга ва бошқаларга мос келиши ҳисобга олинади.

*Гуруҳларда ишлаш - таълим олувчиларнинг фаолиятини ташкил қилишининг шундай шаклики, у ўқув гуруҳларини, маълум бир вазифани ҳамкорликда очиб учун вақтинчалик микрогуруҳларга ажратишини талаб қилади. Таълим олувчиларга, қўйилган вазифанинг мазмунини, уни ечиш йўллари ва усуллари белгилашни муҳокама қилиш таклиф қилинади. Бунда илгари сурилаётган таклифларни ҳамкорликда баҳолаш орқали уларни амалга ошириш, бажарилган ишларни биргаликда таҳлил қилиш, ҳамкорликда топилган натижани олдин шакллантириб, сўнгра тақдим этиши сўралади.*

Биз билиш фаолиятини гуруҳларда ташкил қилишга мойиллик билдирамиз:

- ўқув машғулотларида гуруҳларда ишлаш шакли, фақат деярли барча дидактик масалаларни ечишда қўлланиши мумкин бўлгани учун эмас (2-жадвалга қаранг);

- ёки таълим беришнинг барча фаол усуллари амалга оширишни таъминлангани учун эмас (3-жадвални қаранг);

- ёки таълим беришнинг ушбу ташкилий шакли, таълим олувчиларнинг жамоавий билим олиш фаолиятини, уларни индивидуал хусусиятларини максимал ҳисобга олиш ва фойдаланиш пайтида амалга оширишни таъминлагани учун эмас (1-жадвални қаранг);

- ва нафақат, у таълим олувчиларда ҳам мустақиллик даражасининг юқори бўлишини таъминлангани учун эмас (1-жадвалга қаранг).

Гуруҳларга бўлиниб ишлаш, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда, долзарб педагогик, психологик ва ижтимоий мақсадларга эришишни таъминлайди.

## **2.2. Таълимнинг гуруҳли шаклида педагогик мақсадларни амалга ошириш имкониятлари**

- Энг аввало, таълимнинг гуруҳли шакли «таълим берувчи - таълим олувчи» диалогидан воз кечишини ва «таълим берувчи -гуруҳ - таълим олувчи» кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга ўтишни назарда тўтади. Ўқув гуруҳи, таркиби бўйича ҳаракатчан кичик гуруҳларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўзича ўқув материални ўзлаштиради. Тажриба шуни кўрсатадики, шу туфайли биз билан таълим олувчилар ўртасида анча мустақам алоқа ўрнатади, шахсий ва бир вақтнинг ўзида таълим жамоавий руҳий ҳолат кучаяди.

- Таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати шаклланади, бу эса ўқув - билиш жараёнини фаоллаштиришга, уларда импатияни, коммуникативликни шакллантиришга кўмаклашади:

- вазифани ҳамкорликда бажариш жараёнида таълим олувчиларда, ўртоқлари томонидан билдирилган фикрларни муҳокама қилишга мотивация пайдо бўлади;

- таълим олувчилар бир-бирига саволлар берадилар, шунинг учун улар саволларни аниқ шакллантиришни билишлари зарур, жавобларни

аргументлаштиришни, тушунишга эришиш учун эса, улар бир-бирларини диққат билан эшитишлари керак;

- гуруҳларда ишлаш пайтида, зарурати бўлганда таълим олувчилар ёрдам беришларини сўрайдилар ва бошқаларга ёрдам беришни ўрганадилар.

• Ҳар бир таълим олувчининг потенциал имкониятларини ривожланиши ва амалга оширилиши таъминланади:

- қобилиятли ва иқтидорли болалар, уларни «мақтанганлик»ларида айблаларидан чўчимасдан ўз қобилиятларини кўрсатишлари мумкин, улар гуруҳда нафақат таълим берувчи ролида бўлишлари, балки таълим олувчи ролида ҳам бўлишлари мумкин ва таълим берувчи ролидаги ўз ўртоқлари томонидан баҳоланиши, рақиб бўлмасдан улардан ўрганиши мумкин;

- ўртача қобилиятга эга ёки характери бўйича кўрқоқ болалар ўз билимлари ва маҳоратларини намоён қилиш имкониятини оладилар. Кичик гуруҳларда ишлаш, уларни стресс ҳолатлардан халос этади, яъни нотўғри жавоб берганда бутун жамоа олдида изза бўлишдан, кўркишдан холи бўлади. Гуруҳ аъзолари, жавобни дўстона баҳолаб, уларда ўзига ишонч туйғусини уйғотиш имконини берадилар. 4-5 кишидан иборат гуруҳда, кўрқоқ киши, 25 кишилик гуруҳ олдида ўзини тутишга нисбатан, ўзини анча эркин ҳис этади.

• Таълимнинг ушбу шакли, таълим олувчилар билимини ўзаро ҳамкорликда бойитишни таъминлайди: фақатгина кооперация ва ҳаракатлар (билиш) усуллари билан ўзаро алмашиш, умумий маҳсулот олиш - муаммони ечиш имконини беради. Шунинг учун гуруҳда таълим беришда, биз жамоавий муҳокама қилишдан, ўзаро консультациялар беришда максимал фойдаланамиз.

• Гуруҳларда ишлаш, атрофдагиларга бўлган муносабатни ўзгартиради, «мен ва улар» дан «биз»га ўтишни таъминлайди ва ўзини гуруҳнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилиш имконини беради.

### 2.3. Гуруҳларнинг ишини ташкил қилишда психологик мақсадлар

Таълим олувчи ёшларнинг етакчи фаолияти - самимий шахсий мулоқот эса, 2-7 кишилик гуруҳлар орқали амалга оширилади.

• Ёшларнинг етакчи мотиви - тенгдошлари муҳитида ўзлигини ифода этиш ҳисобланади ва буни фақат гуруҳда қилиш мумкин.

Таниқли психологлар ва педагогларнинг кооператив ҳамкорлик тўғрисидаги фикрлари куйидагичадир:

• *Ўқувчиларни, таълим жараёнида бир - бири билан ҳамкорлик қилишининг учта асосий усули мавжуд. Улар ким «илзорлигини» билиш учун мусобақа ўйнаши мумкин. Улар мақсадга эришиш учун бошқа ўқувчиларга эътибор бермаган ҳолда индивидуал ишлашлари мумкин. Яна улар, бир - бирини ўқитишга қонуний равишда қизиқиш билан ҳамкорликда ишлашлари мумкин (Jonson D.W., Jonson R.T.1985).*

• *Лекин ҳамкорлик биринчи даражага чиққан пайтда кооператив мотивация Рақобатлисига нисбатан таълим жараёнида анча самаралидир (Гузеев В.В., 1996).*

• *Ташқи назорат остидаги ҳис этишни долзарблаштирувчи фронтал усуллардан «ички эркинлик»ни ҳис қилишни чақирувчи гуруҳли усулларга ўтиш, ўқувчиларда ички мотивацияни пайдо бўлишига кўмаклашади (Петрушин В.И., 1994).*

## 2.4. Гуруҳли таълим бериш орқали ижтимоий мақсадларни амалга ошириш

- Таълим оловчилар қуйидагиларни билишади:
  - ўрганилаётган материални олдин ўтилган материал билан боғлиқлигини излаб топишни;
  - биргаликда ўтирилаётган ўқув материални муҳокама қилишни;
  - шахсий фикрларни шакллантириш, ифода этиш ва аргументлашни;
  - бир - бирларини муваффақитларини кўрсатишлари;
  - берилган ишни охирига етказишга интилишда бир - бирини қўллаб - қувватлашни;
  - индивидуал фарқнинг мавжудлигига қарамасдан ҳамкорлик қилишни;
  - маълум бир вазифани бажариш учун тузилган жамоада ёки кичик гуруҳда маҳсулдор ишлашни.
- Таълим оловчилар қуйидаги хусусиятларга эга:
  - коммуникацияга ва турли усулларда мулоқот қилишга;
  - кооперацияга ва ҳаракатлар усулларини алмаштиришга;
  - бир - бирини тушунишга ва импатияга;
  - ўзини ва гуруҳни меҳнати натижалари учун маъсулиятли бўлишга;
  - рефлексияга - бу орқали қатнашчини, ўзининг шахсий ҳаракатларига муносабати белгиланади ва ушбу ҳаракатларни айнан ўхшаш коррекцияси таъминланади.

Таълимнинг ушбу шакли, тўғри ташкил қилинга педагогик раҳбарлик ва бошқарув пайтида, жамоатчиликнинг асосий шартларини амалга оширишда кўмаклашади, яъни умумий мақсадни англашда, вазифаларни мақсадли тақсимлашда, ўзаро боғлиқ ва назоратда.

## 2.5. Гуруҳларда ишни ташкил қилиш техникаси

Ҳамкорликда ишни бажариш учун таълим оловчиларнинг гуруҳларини қандай ташкил қилиш мумкинлигини кўриб чиқдик. Шу гуруҳларда ишни ташкил қилиш жараёнида ҳисобга олиш зарур бўлган омилларда тўхталамиз.

Нимадан бошлаш керак?

Аввало, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Нима сабабдан таълим оловчиларни гуруҳларда ишлашини хоҳлаймиз? Сиз бунга тайёрмисиз?
- Сиз ҳақиқатдан ҳам таълим беришнинг ушбу шаклини жорий қилишни хоҳлайсизми?
- Буни қандай амалга оширишни биласизми?
- Сиз аудиторияда шовқин бўлишидан чўчимайсизми?
- Таълим оловчиларнинг ўзлари гуруҳларда ишлашга тайёрми? Улар, таълим олишнинг гуруҳли шакли шароитида ишлаш қоидаларини билишадими?

Таълим олувчилар нималарни ўрганишлари керак?

Таълим мақсадларини аниқ белгилаб олиш ва ушбу ишдан режалаштирилган натижаларни ифодалаш зарур. Таълим олувчилар, гуруҳларда ишлаш пайтида қандай билимларни, маҳорат ва кўникмаларни эгаллашлари зарур? Таълимнинг ушбу шакли, таълим олувчилар қандай шахсий сифатлар ва хусусиятларни шакллантиришга, қандай мотивацияларни уйғонишига кўмаклашади.

## **2.6. Гуруҳда ишлашни режалаштириш пайтида нималарга эътибор бериш керак?**

- Вақтга:

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш ва режалаштирилган натижаларга эришиш учун ихтиёрингизда қанча вақт борлигини аниқлаб олинг.

Бу реалми?

- Машғулот мақсадини танлашга:

Гуруҳларда машғулотларни қай тарзда ўтказишингизни аниқлаб олинг. Энг яхши модел - бу, ўқув гуруҳнинг барчасига вазифани тушунтиришдан бошланади, сўнгра кичик гуруҳларда ишлашдан ва ниҳоят, барча ўқув гуруҳи иштирокида яқун ясашдан иборат.

- Иш жойини танлашга ва тайёрлашга:

Гуруҳларда ишлаш мос равишдаги шароитларни талаб қилади. Бу иш қаерда бажарилишини аниқлаб олинг.

Шундай аудитория танлаш лозимки, унда, бир-бирига халақит бермаган ҳолда бир неча гуруҳ ишлаш имкониятига эга бўлсин. Гуруҳларда ишни ташкил қилиш учун, кимё ва информатика кабинетларидаги каби стол ва стуллар полга маҳкамлаб қўйилган аудиториялар тўғри келмайди.

Иш жойининг ўзини тайёрлаб қўйиш ҳам назарда туриши лозим: столлар қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

- таълим олувчилар аудиторияда эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиши керак;

- ҳар бир гуруҳ аъзолари, бир-бирини кўрадиган ва эшитадиган даражада жойлашишлари керак;

- зарур ўқув қўлланмаларга барча осон етадиган бўлиши керак;

- Вазифани танлашга ва уни ифодалашга;
- Қўйилган таълим мақсадларига мос келадиган вазифаларни танланг;
- биз, шуни ҳам ёдда тутишимиз лозимки, ўқув гуруҳларининг таркиби қуйидаги турли хусусиятларга эга ўқувчилардан иборат:

- қобилияти бўйича;

- билимлари ва маҳоратининг даражаси бўйича;

- психологик хусусиятлари бўйича: бир хиллари фақат «қисток» остида ўқийдилар, бошқалари мустақил ишлашни афзал кўрадилар, айримлари -

фаол, мулоқот қилишга тайёр, иккинчилари - пассив ва ўз «қобиғи» га ўралган ва ҳ.к;

- ўқиш стили ва билим олиш усули бўйича: баъзилари маърузани эшитиб, бошқалари эса китоб билан ишлаб ўқув материални яхшироқ ўзлаштириладилар ва ҳ.к.

Буни эътиборга олган ҳолда, вазифани шундай ифода қилиш керакки, у бир неча қисмларни ўз ичига олсин. Бу эса ўз навбатида ҳар бир таълим олувчига ўзининг имкониятлари ва қобилиятларини, билимлари ва маҳоратларини намоён қилиш, кучли томонларини кўрсатиш имконини беради.

- уни бажаришда гуруҳнинг барча аъзоларини иштирокини таъминлайди.

• ўқув материалларини тайёрлашга:

Агар, дарсда турли қўлланмалар ишлатилса, у анча қизиқарли ва самарали бўлади. Уларни тайёрлаб қўйинг ва унумли фойдаланинг.

Шу билан, гуруҳлар учун ёзма йўриқномалар, таълим олувчилар учун эса - индивидуал натижалар карточкаларини тайёрлаб қўйинг.

• Ёзма йўриқномалар. Гуруҳнинг вазифаси ва уни бажариш усуллари тушуниши шунга боғлиқ. Шунинг учун тунинг, фақат йўриқномани тушунишига гуруҳлар ичидаги ишни таъминлайди.

• *Йўриқномага талабалар:*

- *вазифани аниқ ифодалаши керак;*
- *кутилаётган натижаларни аниқ кўрсатиши керак;*
- *амалиётда текширилган бўлиши керак: ушбу йўриқномани аввал ўзингиз бажариб кўринг ёки ҳамкасбингиз бажаришини илтимос қилинг;*
- *ушбу вазифани бажариш бўйича атрофлича ёритилган тавсияларни ўз ичига олиши керак, ваҳоланки, гуруҳ сизнинг ёрдамингизсиз уни бажара олсин;*
- *ҳар бир таълим олувчи учун тушунарли тилда ёзилган бўлиши керак.*

Гуруҳларда ишлашга тайёргарлик кўриш пайтида қуйидагиларни ўйлаб қўйиш зарур.

Биринчидан, гуруҳлар қандай тузилганда яхши натижа беради?

• Белгилари бўйича:

Қай бири яхши:

- ихтиёрий ёки ноформал белгилари бўйича тузилган аралаш гуруҳли;  
- ёки ўқув жараёнидаги ютуқлари даражаси бўйича тузилганими, яъни: бараварлаштириш, қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш гуруҳлари:

- ёки психологик жиҳатдан бир-бирига тўғри келиш даражаси бўйича тузилганими;

- ёки бирон-бир бошқа белгилари бўйича тузилганими?

• Сони бўйича:

- 2 дан то 5 кишигача - унча катта бўлмаган вазифаларни бажариш учун;

- 5 дан то 7 кишигача - мураккаб вазифалар учун.

- **Вақт бўйича:**

Кичик гуруҳлар, белгиланган вазифани бажариш учун қанча вақт ажратилган бўлса, шунча вақт фаолият кўрсатади.

Албатта, агар муаммоли тадқиқот қилиш керак бўлган вазифа қўйилса уни бажариш учун бир нечта ўқув машғулоти керак бўлади. Демак, гуруҳлар ҳам бир нечта дарсларда фаолият кўрсатиб, вазифа бажарилгач, ҳисобот берадилар ва гуруҳлар сифатида фаолиятни тўхтатади.

Иккинчидан, таълим олувчиларни гуруҳларга ким ажратишини аниқлаб олинг.

Таълим олувчиларни гуруҳларга сиз ажратасиз. Лекин улар, бажариш учун турли вазифалар берилган пайида, ўз қизиқишларига қараб гуруҳларни танлаши ҳам мумкин.

### **Гуруҳларда ишлаш қоидалари қанақа?**

Таълим олувчиларнинг гуруҳларда ишлашга ўрганиши ўта муҳимдир. Авваламбор:

• *Таълим олувчилар, гуруҳ аъзоларининг мажбуриятларини билишлари ва бажаришлари зарур:*

- *ҳар бир аъзо ўртоқлари фикрини эшитиши керак;*

- *ҳар бир аъзо ишда фаол қатнашиши ва ҳамкорликда ишлашдан бўйин тормаслиги керак;*

- *ҳар бир аъзо, зарурати бўлганда ёрдам сўраши керак;*

- *ҳар бир аъзо ундан ёрдам сўрашганда, бошқаларга ўз ёрдамини бериши керак;*

- *ҳар бир аъзо гуруҳ ишининг натижаларини баҳолашда иштирок этиши керак;*

- *ҳар бир аъзо ўзининг ролни яхши тушуниши ва бажариши керак.*

### **Таълим олувчилар қандай ролни бажарадилар?**

- **Маслаҳатчи:**

Гуруҳда таълим бериш шаклидан фойдаланилган пайтда, асосий ядроси турли предметлар бўйича маслаҳатчилардан (уларни ассистентлар, лаборантлар деб ҳам аталади) таркиб топган таълим олувчиларнинг ўқув фаоллигининг ошиши содир бўлади.

*Ўқув предметлари бўйича маслаҳатчилар - ўз ўртоқларига ёрдам бериш иштиёқини билдирувчи предметни яхши ўзлаштириши ва унга қизиқувчи таълим олувчилардир.*

Гуруҳлардаги машғулотларни самарали ўтказиш учун, биз, маслаҳатчилар билан мунтазам равишда шуғулланишимиз, яъни уларнинг билимларини сифатини текшириб туришимиз, услубий маслаҳатлар беришимиз ва ҳ.к. уларни тайёрлашимиз учун зарур бўлган, айрим қўшимча вақт харажатлари катта педагогик ютуқлар билан тўлдирилади.

- **Етакчи:**

Гуруҳнинг вазифаси, тўғридан - тўғри гуруҳ етакчиси ёки таълим олувчининг раҳбарлиги остида бажарилади. Гуруҳ аъзоларидан биттасини

етакчи этиб тайинланг. Уни, тенг равишда, ўз фикрини айтмайдиган ва паст натижалар кўрсатган ёки яхши ўзлаштирадиган ва фаол таълим олувчиларнинг ичидан танланг.

Ўқув жамоасининг етакчиси гуруҳ етакчиси ролини бажармаслиги керак.

Барча ўқувчилар, етакчининг ролини тушунишига иқдор бўлинг. У турли функцияларни бажариши мумкин, лекин, доими, барча ўқувчиларни ишни бажаришда қатнашиши устидан назорат қилиши керак.

Етакчиларга, уларнинг роли, нафақат гуруҳ номидан яқун яшадан иборат эмаслигини тушунишларига ёрдам бериш даркор: уларга, гуруҳ вазибаларини бажариш усуллари, гуруҳнинг ҳар бир аъзосини индивидуал улуши тўғрисида гапириб бериши керак.

- Бошқа роллари: маърузачи, баённома тузувчи, яқун ясайдиганлар, вақтни кузатувчилар ва бошқалар.

- Ролларни белгилашда, таълим олувчиларнинг кучли ва кучсиз томонларини ҳисобга олинг. Ишни шундай ташкил қилинганки, ҳар бир ўқувчи гуруҳ ишининг натижаларига таъсир кўрсата олсин. Шунинг учун, турли вазибаларни бажариш пайтида уларнинг роли алмашиб турсин.

## 2.8. Гуруҳларда ишни ташкил қилиш

Ўқув жараёнининг технологик картаси билан, таълимнинг гуруҳли шаклидан фойдаланган ҳолда танишиб чиқинг. Бу таълимнинг ушбу ташкилий шаклини амалга ошириш жараёнини ёрқин кўз олдингизга келтириш имкониятини беради.

Ишнинг босқичлари ва мазмуни	Фаолият	
	Таълим берувчиники	Таълим олувчиники
I - босқич. Тайёрлов	Ўқув машғулотининг мавзусини аниқлайди, ўқув фаолиятининг мақсадлари ва натижаларини, унинг баҳолаш меъзонларини шакллантиради. Зарур ўқув материалларини тайёрлайди, гуруҳлар таркибини режалаштиради. Машғулотларни бошланишидан олдин, гуруҳларда ишлаш учун столларни керакли тартибда жойлаштиришни ташкил қилади.	Аудиторияни гуруҳларнинг ишлаши учун тайёрлайди.
II - босқич. Гуруҳнинг вазибаларини бажаришга кириш.	Билиш вазибаларини қўяди (муаммоли ҳолатни таклиф қилади), уни амалга ошириш, амалда бажариш йўллари ва кетма-кетликларини муҳокама қилади. Ишнинг якуни бўйича қандай натижалар кутилаётганлигини тушунтиради. Гуруҳлардаги ҳамкорликдаги фаолият натижаларини тақдим қилиш шакллари ҳақида ахборот беради. Ҳар бир ўқувчининг ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш меъзонларини тушунтиради. Таълим олувчиларни гуруҳларга ажратади. Ишни бажариш учун зарур бўлган материалларни гуруҳларга тарқатади. Вазибани бажариш пайтида қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини (зарурати бўлса) тушунтирилади. Вазибани бажариш бўйича йўриқномани тарқатади ёки доскага ёзиб қўяди. Ушбу йўриқномани таълим олувчилар билан муҳокама қилади ва уни ҳамма тушунганига ишонч ҳосил қилади	Вазибани муҳокама қилишади.  Ўқув материали ва йўриқнома билан танишди.

<p>III - босқич. Гуруҳда ишлаш</p>	<p>Ишни координация қилади, танкидий фикрлар билдиради, шарҳлайди. Таҳлилий ҳарактерга эга саволлар беради. Саволларга жавоб беради. Бахсларни ва иш тартибини бошқаради. Зарурати бўлганда алоҳида таълим олувчиларга ва бутун гуруҳга ёрдам беради.</p>	<p>Гуруҳ ишини режалаштиради. Гуруҳнинг ичида ишни тақсимлайди. Вазифани индивидуал равишда бажарадилар. Индивидуал натижаларни муҳокама қиладилар. Гуруҳ томонидан бажарилган вазифага яқун ясайдилар. Гуруҳ ишининг натижалари ва қўйилган вазифага эришганлик тўғрисида умумий хулосани шакллантирадилар. Гуруҳларнинг вакиллари ишнинг натижалари тўғрисида ахборот берадилар.</p>
<p>IV-босқич. Яқун ясаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш.</p>	<p>Гуруҳ вакиллари, ишнинг натижалари тўғрисида ахборот беришни, уларни ҳамкорликда муҳокама қилиш баҳолашни таклиф қилади. Гуруҳ ишини таҳлил қилади, вазифани бажариш натижаларига яқун ясайди, қўйилган мақсадга эришганлик тўғрисида хулоса чиқаради.</p>	<p>Гуруҳларнинг вакиллари ишнинг натижалари тўғрисида ахборот берадилар.</p>

### **Таълим олувчилар ишлаётган вақт давомида нима қилмоқ керак?**

Таълим олувчилар гуруҳларда ишлаётган пайтда, биз кузатувчи сифатида бўламиз.

Лекин бу пайтда:

- Таълим олувчиларга ёрдам беришингиз мумкин. Шунинг учун тутиш, улар фаолиятининг янги усулини ҳамда ўқув материални (мазмунини) ўрганмоқдалар.
- Индивидуал равишда ишлашларига, аниқ вазифани бажариш учун зарур бўлган маҳоратни шакллантиришга эътибор қилинг.

Таълим олувчиларга қуйидагиларни таклиф қилинг:

- бажараётган ишлари ҳақида ахборот бериб боришни. Бунда, уларга очиқ саволлар бериш билан қўмаклашинг (улар, нима? ва қандай? деган саволлар билан бошланади);

- ходисаларни таҳлил қилишни, бунинг учун уларга қандай? Деган савол баринг;

- ўз фикрларини изҳор қилишни: ушбу усул нима учун яхши ёки ёмон?

- ўзларининг ва бошқаларнинг ишларини кузатишдан маълумотлар олишни. «Нега бу шундай деб ўйлайсан?» - таҳлил қилишни бошлаш учун яхши савол ҳисобланади;

- овозни чиқариб фикр юритишни, бошқаларни тинглашни, олинган ахборотлардан маълумотларни олишни. Уларга савол бериш билан гуруҳли баҳс юритишга жалб қилинг. Масалан, «Агар бундай бўлса-чи?», «Қандай бошқа усуллар мавжуд?», «Айримларнинг фикрича, бу ...?», «...лардан фойдаланишимиз мумкин».

- Ишлаётган гуруҳларни назорат қилинг, лекин уларни бошқарманг. Таълим олувчилар ўзлари учун жавобгардирлар. Агар улар хатога йўл қўйсалар ҳам, мустақил ишлашга рухсат беринг.

Таълим олувчилар кўпроқ тажриба орттирган сари бериладиган саволларнинг характери ўзгариши кераклигига эътибор беринг. Олдин биз кўпроқ, гуруҳларда ишлаш жараёни ўзи билан шуғулланамиз, кейин эса, кўпроқ вазифаларда ўз диққатимизни мужассамлаштиришимиз мумкин. Бир хил саволларнинг ўзини, бир хил даражада, меҳнат жараёни ва билимга нисбатан ишлатишимиз мумкин.

*Бетартибликни олдини олишга ҳаракат қилинг:*

- биз доимо гуруҳлар ишини координация қилиб туришимиз лозим: мавзудан четга чиқиш - таълим олувчилар учун табиий ҳол;
- гуруҳ етакчиларига доим эътибор қилиб турунг;
- таълим олувчилар, иш учун зарур бўлган барча материаллардан фойдаланиш имкониятига эга эканлигига ишонч ҳосил қилинг;
- вазифани бажариш учун етарлича вақт билан иаъминланг;
- барча таълим олувчилар бир ҳолда ҳаққонийлик билан баҳолашишни кузатиб боринг;
- гуруҳларда натижаларни таққослаш учун вақт ажратинг;
- барча ўқув гуруҳи учун умумий қондани белгиланг, ҳар бирини - гуруҳ, ўзининг силжишини ўзи режалаштиришига рухсат беринг.

- Таълим олувчиларнинг ишини бориши ҳақида, фикрингизни доимий равишда билдириб турунг. Уларга, ютуқларини баҳолашга тааллуқли аниқ ахборотни беринг. Хусусий аниқ ва ҳолисона танқидий фикр билдиришдан қўрқманг. Биз уни гуруҳдаги ишни бажариш пайтида ҳам, унинг ишига яқун ясаш пайтида ҳам амалга оширишимиз керак.

### **Гуруҳлар назорат остидан чиқиб кетса нима қилмоқ керак?**

Гуруҳларда ишнинг кетишини текширинг ва уни таълим олувчилар билан муҳокама қилинг. Бундай тартиб-интизом сизни хавотирга солаётганини айтинг. Таълим олувчиларнинг қай бири, ўзига ажратилган ролни бажармаётганини кўрсатинг. Вазифани бажарилиши учун барча масъул эканлигини уқтиринг.

Агар, аудиториядаги умумий тартиб-интизом қоидалари бузилса, гуруҳ аъзолари бу ҳолни муҳокама қилиб, ечимни топишларини сўранг.

Ёки бошқа варианти ҳам мавжуд. Ҳар бир гуруҳга, беш дақиқага кузатувчини тайинланг. Сўнгра, ушбу кузатувчилар, кўрганлари ҳақида ахборот берадилар. Ушбу гуруҳдаги тартиб-интизомни барча билан бирга муҳокама қилинг.

### **Гуруҳнинг ичида низо пайдо бўлса нима қилмоқ керак?**

Муҳокама қилманг. Нима воқеа содир бўлганини гуруҳнинг ўзи таҳлил қилиб чиқишини ва унинг ечимини топишини сўранг. Яқун ясанг.

## 2.9. Таълимни ташкил қилишнинг гуруҳли шаклларида амалиётда фойдаланиш

Ушбу бўлимда биз, ўқув машғулоти мисолида дарс бериш ва ўқиш жараёнида гуруҳларда ишлаш усулидан қандай фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб борамиз.

Ёзма «Давра суҳбати» гуруҳларида иш техникасидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулоти ўтказиш.

*Ёзма «Давра суҳбати» - таълим техникаси бўлиб, унда қоғоз ва ручка, ундан катта бўлмаган «айлана стол» гуруҳининг қатнашчилари ўртасида доимо, айлана бўйлаб узатиб турилади. Масалан бита қатнашчи бирон-бир гоёни ёзади, кейин эса, қоғоз билан ручкани қўйнишига узатади. У эса ушбу қоғозга ўзининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб, кейинги ўқувчига узатади. Ушбу ишнинг вариантларидан бирида, ҳар бир қатнашчи маълум бир белгиланган рангда ёзиши мумкин. Бу кўриш орқали, ҳар бир қатнашчини, умумий фикрни шакллантиришга қўшган улушини ҳис қилишни кучайтиради ҳамда таълим берувчига ҳар бир ўқувчини қандай қатнашаётганлигини билишига ва белгилаб қўйишига имконият яратади.*

*Оғзаки «Давра суҳбати» - таълим техникаси бўлиб, олдингисига ўхшаш, аммо оғзаки шаклда ўтказилади. Ҳар бир қатнашчи, навбат билан, олдинги қатнашчи билдирган гоёни илғаб олиб, уни ривожлантиради.*

### Мақсадлар:

- ўргатиш - ўргатиш усули билан ўтилган мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш ва аниқлаштириш;
- бор билимларни мобилизация қилиш ва улардан турли шароитларда фойдаланиш, ўз фикрини қисқа ва аргументлар билан баён қилиш маҳоратини шакллантириш;
- тарбиялаш: гуруҳда ишлаш кўникмаларини, хулқ-атвор ва шахслар ўртасида мулоқот қилиш маданиятини шакллантириш.

### Натижа:

Таълим олувчилар, аниқ ўқув мавзуси бўйича жамоа билан биргаликда консультация оладилар;

ўз билимларини қисқа ва аргументлар билан баён эта оладилар. Кичик ва катта гуруҳларда ишлашга мослашадилар.

### Ўқув материаллари:

Қатнашчиларнинг сонига мос ҳолда конвертлар, қаламлар, ручкалар, 5А см. ли қоғоз, конвертларни узатиш схемаси.

## Ёзма «Давра суҳбати» техникаси қўлланиладиган ўқув машғулотининг технологик картаси

Ишнинг босқичлари ва мазмуни	Фаолият	
	Таълим берувчиники	Таълим олувчиники
I босқич. Тайёргарлик	Ўқув машғулотининг мақсад ва натижаларини шакллантиради, уни баҳолаш меъзонларини белгилайди. Керакли ўқув материалларини тайёрлайди. Гуруҳлар таркибини режалаштиради. Машғулот бошланишидан олдин, столларни, гуруҳларнинг ишлаши учун қулай тарзда ўрнатишни	Гуруҳларда ишлаш учун аудиторияни тайёрлайдилар.

	ташкил қилади.	
II босқич. Кириш.	Ўқув машғулоти ўтказиш қоидалари, ишнинг мақсадлари ва баҳолаш мезонлари билан таништиради. Таълим олувчиларни 2-3 та гуруҳга бўлади. Аудитория бўйлаб конвертларнинг ҳаракат схемасини белгилайди ва кўрсатади. Конвертларни ҳаракатлантиришни репетиция қилдиради. Жавобларни тайёрлаш ва ёзиш учун ажратилган вақт белгиланади.	Ишни бажаришга киришишади.
III босқич. Гуруҳда ишлаш	Таълим олувчилар вазифани тушунганликларига иқроф бўлиш учун, мавзунинг ўрганиш пайтида, улар қайси саволларга жавоб олмаганлари тўғрисида сўрайди. Ҳар бир қатнашчидан ўзи учун энг муҳим бўлган бита саволни ифода қилишни таклиф қилади. Биронта таълим олувчидан ўзининг ана шу саволини айтишни, бошқалардан эса, унга жавоб беришни таклиф қилади. Бир неча жавобларни эшитгандан сўнг, зарурати бўлса, савол ва жавобларни таҳрир қилади. Таълим олувчилар вазифани тушунганликларига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, ишни бошлашга рухсат беради.	Таълим олувчилар саволлар берадилар ва уларга жавоб берадилар.
IV босқич. Ишни бажариш..	Ишни координация қилади. Фикр-мулоҳазалар билдирилади, шарҳлайди. Таҳлилий характердаги саволларни беради. Саволларга жавоб беради. Баҳсларни ва ишни бошқаради. Зарурати бўлганда таълим олувчиларга ёки бутун гуруҳга ёрдам беради.	- Конвертларда ўзларининг белгисини чизади; - саволларни ёзадилар; - конвертнинг чап томондаги кўшнисига узатади; - ўнг томондаги кўшнисидан конвертнинг олади, жавобни варақга ёзади, уни конвертга солиб чап томондаги кўшнисига узатади. Бунда, конвертнинг ичидаги жавобларни ўқиш манн этилган қоидага риоя қиладилар.
V босқич. Ишни тугаллаш. Гуруҳларда ишга якун яшаш, таҳлил қилиш, баҳолаш.	Ҳамма қатнашчилар, ичида жавоблар ёзилган ўзининг конвертини олгандан сўнг, ишни тугатишларини сўрайди. Конвертнинг очиб, ичидаги жавоблар билан танишишни сўрайди.	Жавоблар билан танишадилар. Қўйилган саволларга берилган жавоблар уларнинг қанчалик қониқтирилганини аниқлайдилар. Гуруҳ олдида ўз саволларини ўқийдилар. Унга ўртоқлари таклиф қилган вариантлардан умумлаштирилган жавоб берадилар.
VI босқич. Натижаларни таҳлил қилиш.	Гуруҳнинг умумий ишини баҳолайди. Таълим олувчилар томонидан қандай саволлар берилганини таҳлил қилади ва ўзи учун ушбу мавзунинг ўқитиш технологиясига қандай ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги тўғрисида хулосалар чиқарилади.	Гуруҳнинг вакиллари саволлар ва жавобларни йиғиб оладилар, умумлаштирадилар. Умумлаштирилган хулосани барчага эълон қиладилар.

### III БОБ

## ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

### 3.1. Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари

ИННОВАЦИЯ (инглизча innovation)- янгилик киритиш, янгиликдир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади.


Интерактив методлар - бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ўқувчи - талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- Ўқувчи-талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмаслигига, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;
- Ўқувчи талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаш;
- Ўқувчи талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;
- Педагог ва ўқувчи талабанинг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этилиши.

Педагогик технологиялар масалалари, муаммоларини ўрганаётган ўқувчилар, илмий тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология-бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган техник воситалар, компьютер, масофали ўқиш ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи-бу ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар-бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу, ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология-бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Ушбу фикримизни чизма ҳолатида қуйидагича ифодалаш мумкин:



Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, мақсадни амалга ошириши ва кафолатланган натижага эришиш, ҳам ўқитувчи, ҳам талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, метод, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ. Ўқитувчи ва талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган. Бунда талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан натижага эришиш учун балким, компьютер билан ишлаш лозимдир, балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар. Булар барчаси ўқитувчи ва талабага боғлиқ.

### 3.2. Технологик карта ўқув жараёнини лойиҳалаштиришнинг асоси.

Ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ўқитишнинг техник воситаларини, энг асосийси, талабанинг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик картасини тузиб олиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки дарснинг технологик картаси ҳар бир мавзу, ҳар-бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Бундай технологик картани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методларни билиши керак бўлади. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик картасига боғлиқ. Дарснинг технологик картасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик карта қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни

яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган булиши керак. Технологик картанинг тузилиши ўқитувчини дарснинг кенгайтирилган конспектини ёзишдан холос этади, чунки бундай картада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Қуйида биз «Педагогика» фанидан «Таълим методлари» мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик картасини сизга ҳавола қиламиз.

## ТЕХНОЛОГИК КАРТА

Мавзу	Таълим методлари
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	Талабаларга таълим методлари ҳақида тушунча бериш. Мавзуга доир тарқатма материаллар талабалар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштиришлари ҳамда суҳбат-мунозара орқали тарқатма материалларда келтирилган маълумотларни қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, баҳолаш.
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	Таълим методлари: оғзаки, кўргазмалӣ, амалӣ, репродуктив ва муаммоли - изланиш, индуктив, дедуктив, ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбеҳ бериш, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари, таълим методларининг қўлланилиши ва уларни танлаш.
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси.</b>	<b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, суҳбат, мунозара. «Лойиҳа» технологияси. <b>Шакл:</b> Амалӣ машғулот. Кичик гуруҳларда ишлаш. <b>Восита:</b> Тарқатма материаллар, доска. <b>Усул:</b> Тайёр ёзма материаллар асосида. <b>Назорат:</b> Савол-жавоб, кузатиш. <b>Баҳолаш:</b> Рағбатлантириш. Рейтинг тизими.
<b>Кутиладиган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Бир вақтнинг ўзида кўпчилик талабалар баҳоланади. Мавзу қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилади. Талабалар фаоллигини оширади ва қизиқишини кучайтиради. Ўз мақсадига эришади. <b>Талаба:</b> Янги билимларни ўзлаштиради. Якка ва гуруҳ ҳолида ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади, хотираси мустаҳкамланади. Қисқа вақт ичида кўп фикрга эга бўлади ва ўзини назорат қилади.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Педагогик технологияларни ўрганиш, ўзлаштириш, ўқув жараёнига тадбиқ этиш ва такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Педагогик маҳоратини ошириш. Мавзуни ҳаётӣ мисоллар билан тушунтириш. <b>Талаба:</b> Берилган матн билан мутақил ишлашни ўрганиш. Ўз фикрини равон баён қила олиш. Китоб ва дарсликлар билан ишлаш. Ўзгалар фикрини эшитишга ва ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга ўрганиш, хулоса чиқаришга ўрганиш. Қўшимча материаллар излаш ва топиш.

Технологик картада таълим берувчи ва таълим олувчилар фаолияти (ўқув жараёни) босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик карта бўлажак

мутахассисларнинг мустақил ишлашига ва таълим жараёнини назорат қилишга ёрдам беради.

Технологик карта мазмунини фаолият (технологик босқичлар) ташкил этади ва улар қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- таълим олувчиларга ўрганилиши керак бўлган мавзунини эълон қилиш. Унинг мантикий-тузилмавий тартибини намойиш қилиш ва шарҳлаш. Янги материал билан таништириш;
- ўқув элементларини ўрганиш кетма-кетлиги ва усулларини баён қилиш;
- таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар тўғрисида ахборот бериш;
- тестлар ва амалий топшириқларнинг вариантларини, уларни баҳолаш мезонларини тақдим этиш, яъни якуний назоратнинг «очиқлигини» таъминлаш;
- ўзлаштирилган билимларнинг таълим жараёнида ёки келгуси касбий фаолиятда қаерда керак бўлиши тўғрисида ахборот бериш.

Бу ҳолда «таълим берувчи-таълим олувчи» нинг ўзаро муносабатидаги муаммо ҳам ҳал этилади. Таълим олувчи таълим берувчининг тайёр билимлар билан қуроллантирадиган таъсир объектдан мустақил ўқув фаолиятининг субъектига айланади. У мустақил билим олишга ва ўзининг ўқув фаолиятини режалаштиришга, унинг натижаларига эришиш даражасини белгилашга қизиқтирилади.

Ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган фаннинг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузилган юқоридаги каби технологик карта унга ўз фани, предметини яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндошишга, тушунишига (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик картани талабанинг имконияти, эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга имкон яратади. Бу эса ўқитишнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

Ўқитиш жараёнида талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, масъулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогга ўзи танланган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир. Биз улардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз ва уларни ўтказиш тартиби ҳақида тўхталиб ўтамиз. Ушбу келтирилган замонавий методлар, ёки ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглари талабаларда мантикий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобат-бардош, етук

мутахассис бўлишларига, ҳамда мутахассисларга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Биз қуйида ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир тренинглар (технологияларни) тавсифлаб, баъзиларини ўтказиш тартиби тўғрисида методик тавсия бериб ўтамыз:

«**ТАРМОҚЛАР**» методи - талабани мантикий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

«**3x4**» технологияси - талабаларни эркин фикрлаш, кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.

«**БЛИЦ-ЎЙИН**» методи - ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

«**БУМЕРАНГ**» техникаси - ўқитувчи талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

«**МУЛОҚОТ**» техникасининг аудитория диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

### **3.3. «ФСМУ» технологияси**

#### **Тренинг ҳақида тушунча.**

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув - семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув - семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчи - талабаларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

#### **МАҚСАД.**

Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

#### **ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.**

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1 - босқич.

- тренер тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

- тренер ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоятда дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради;

- машғулот давомида ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлигини эслатиб ўтилади.

2 - босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясини 4 босқичли ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф - фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баёнига сабаб кўрсатининг.

М - кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

-Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қоғоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатилади.

3 - босқич.

- Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, тренер уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади.;

- тренер ҳар бир гуруҳга ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;

- тренер кичик гуруҳларга ҳар бири ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирилган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 - босқич.

- кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади;

- гуруҳ аъзолари ФСМУ 4 босқичининг ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар;

- фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5 - босқич.

- кичик гуруҳлар умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда.

Баъзи бўлимларни исботлаши, яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 - босқич.

-тренер машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

- қуйидаги саволлар билан тингловчиларга мурожат қилади:

- ушбу тренинг ёрдамида нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўрганингиз?

Ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

- ушбу технологиянинг қўлланилиши ўқувчи-талабаларда қандай хислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради. Уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

- ушбу технологиянинг ўқув жараёнида қайси босқичда қўлланилгани маъқул ва нима учун?

- ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши ўқувчи-талабаларга нима беради ва нимага ўргатади?

- ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

Ушбу тренинга тренернинг асосий вазифаси нимадан иборат.

ИЗОҲ: Юқорида келтирилган саволлар ҳар бир тренингнинг мазмуни, мақсадидан келиб чиқиб тренер томонидан тингловчиларга ёки ўқувчи-талабаларга берилиши мумкин.

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси.

ФСМУ технологияси.

Ф - Фикрингизни баён этинг.

С - Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

М - Кўрсатилган сабабни тушинтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг.

У - Фикрингизни умумлаштиринг.

### 3.4. «БЛИЦ-ЎЙИН» ТЕХНОЛОГИЯСИ.

**Тренинг ҳақида тушунча.**

Ушбу технология ўқувчи-талабаларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганиётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган. Ушбу технология давомида ўқувчи-талабалар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўтказиш оладилар, чунки бу технология шунга тўлиқ шароит яратиш беради.

**МАҚСАД.**

Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал яқка ҳолда мустақил равишда белгилаб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўтказиш олиш ёки бошқалар билан ҳамфикр бўлишга ёрдам беради.

**ЎТКАЗИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.**

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1 - босқич.

- тренер ушбу тренинг бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида тингловчиларга (ўқувчи-талабаларга) тушунча беради. Ҳар босқичдаги вазифани бажаришга Аниқ вақт берилиши, тингловчилар эса шу вақтдан унутли фойдаланишлари кераклиги ҳақида уларни оғахлантиради;

- тренер ҳамма тингловчиларга алоҳида - алоҳида тарқатма материал беради ва тингловчилардан ушбу материални синчиклаб ўрганишларини сўрайди;

- тренер тарқатма материалнинг мазмуни ва бажариладиган вазифани тушинтиради, яъни тарқатма материалдан берилган 13 та ҳаракатнинг кетма кетлигини тўғри белгилаш кераклиги, белгини эса қоғоздаги алоҳида ажратилган бўлимга рақамлар билан белгилаш кераклигини тушунтиради;

- қўйилган вазифа аввал якка тартибда бажарилишини айтади.

2 - босқич.

- тренер биринчи берилган вазифани ҳар бир тингловчи томонидан якка тартибда бажарилишини кузатади, қийналганларга ёрдам беради ёки қайтадан тушунтиради;

- ҳар бир тингловчи тарқатма материалдаги «ЯККА БАҲО» бўлимига шу ерда берилган ҳаракатлардан ўзининг шахсий фикри асосида мантиқий кетма-кетликни рақамлар билан белгилаб чиқади, яъни берилган 13 ҳаракатдан, унинг фикрича қайси бири, биринчи бўлишини ва ҳоказо. Бу вазифани бажариш учун тренер тингловчиларга 10 дақиқа вақт беради.

3 - босқич.

- тренер тингловчилардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этишларини сўрайди. 3 кишилик гуруҳлар тингловчилар-нинг хоҳишларига қараб ёки рақамлар бўйича ташкил этилиши мумкин;

- кичик гуруҳлардаги ҳар бири ўз қоғозидаги якка баҳо бўлимида белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлиги билан бир-бирларини таништирадилар, кейин 3 кишидан уч хил бўлган кетма-кетликни биргалашиб, бир-бирлари билан тортишиб, баҳслашиб, бир-бирларига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириб келишган ҳолда бир қарорга келиб уларга тарқатилган қоғоздаги «ГУРУҲ БАҲОСИ» бўлимига рақамлар билан белгиланиб чиқади.

-тренер кичик гуруҳдаги тортишувларда иштирок этмайди, фақат кичик гуруҳлар ва ҳар бир тингловчи фаолиятини кузатади. Бу вазифани бажариш учун 20 дақиқа вақт берилади

4 - босқич.

Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тренер ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича тўғри жавобни беради, яъни тингловчилардан уларга тарқатилган қоғозлардан «ТЎҒРИ ЖАВОБ» бўлишини топиши ва унга тренер томонидан айтилган ҳаракатлар кетма-кетлигининг рақамларини ёзилишини сўрайди.

5 - босқич.

Тренер «ТЎҒРИ ЖАВОБ» бўлимида берилган рақамлардан «ЯККА БАҲО» бўлимида берилган рақамларни (ёки аксинча), яъни каттадан-кичикни айирган ҳолда «ЯККА ХАТО» бўлимига чиққан фарқни ёзишни сўрайди. «ЯККА БАҲО» бўлимидаги сонларини юқоридан пастга қараб қўшиб чиқиб умумийсини ҳисоблашлари кераклигини уқтиради.

6 - босқич.

- Худди шу тартибда «ТЎҒРИ ЖАВОБ» ва «ГУРУҲ БАҲОСИ» ўртасидаги фарқ каттадан - кичикни айириш орқали бажарилади, чиқарилган фарқлар сони «ГУРУҲ ХАТОСИ» бўлимига ёзилиб, юқоридан пастга қараб кўшилади ва умумий сон келтириб чиқарилади.

7 - босқич.

- тренер яқка ва гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тушунча беради ва уларни алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

«ЯККА ХАТО» бўлимидаги умумий сонларнинг шарҳи:

Агар яқка хатолар сони 30 гача бўлса, бундай тингловчиларда ташкилотчилик, конструктивлик қобилияти етарли, улар мустақил равишда ҳар бир ишни ташкил эта оладилар, турли шароитлардаги ҳаракатлар вақтида мантқан уларнинг кетма-кетлигини ташкил эта оладилар.

Агар яқка хатолар 30 дан 40 гача бўлса, бундай тингловчиларда ташкилотчилик қобилияти етарли эмас, бирон бир ишни ёки фаолиятни ташкил этишларида қийналадилар ёки пала -партишликка йўл қўядилар. Шунинг учун улар алоҳида ўқишлари ёки мантқан фикрлашга ўрганишлари керак бўлади.

Агар хатолар сони 40 дан юқори бўлса, бундай тингловчиларда ташкилотчилик, мантқий фикрлаш қобилияти етарли эмас, улар ўз устида ишлашлари керак бўлади ёки махсус тренинглар, курсларида ўқишларига тўғри келади.

«ГУРУҲ ХАТОСИ» бўлимидаги умумий сонларнинг шарҳи:

- агар хатолар сони 30 гача бўлса, бу гуруҳлардаги тингловчилар бир-бирларини ишонтира олганлар ва натижада бир хил натижага эришганлар. Демак, гуруҳда самимий муносабат ўрнатилган, фикрлар бир жойдан чиққан.

- агар гуруҳнинг хатолар сони 30 дан 40 гача бўлса, бу гуруҳда тингловчиларнинг бир қарорга келишлари қийин бўлган, тортишувлар юзаки ёки ишонарсиз бўлган ёки гуруҳ аъзолари бир-бирларини тушунишга сушт ҳолда интилганлар ёки вазифага бепарвороқ бўлганлар ёки бир-бирларини хафа қилиб қўйишдан чўчиганлар ёки гуруҳнинг барча аъзолари юзаки ҳолда келишган-у, аслида эса ҳар ким ўз фикрида қолган бўлиши мумкин. Самимий муносабат бу гуруҳдаги ўз аксини топмаган.

- агар гуруҳ хатосининг сони 40 дан ортиқ бўлса, бу гуруҳ аъзолари умуман бир - бирлари билан келиша олмаганлар, ўзаро ишонтириш бўлмаган. Ҳар ким ўз фикрида қолган. Самимий муносабат ўрнатилмаган.

ИЗОҲ: Бажарилган вазифани баҳолашнинг яна бир тури, қуйидагича: тингловчиларнинг жавоблари тренер томонидан берилган «ТЎҒРИ ЖАВОБ» нинг ярмидан кўпига тўғри келган бўлса, демак, «қониқарли», 75% тўғри келган бўлса «яхши», 100% тўғри келган бўлса «аъло» деб белгиланиши мумкин.

8 - босқич.

- мисол тариқасида «Мен «Коллектив ижодий иш» (КТД)- ташкилотчи» мавзусидаги блиц-ўйиннинг чизмасини келтиришимиз мумкин.

(ҳар бир ўқитувчи ўз предмети, ёки ўтаёган, ёки ўтган мавзуси асосида блиц-ўйин шаклида фойдаланиб ўйин мазмунини тузиши мумкин);

- тренер машғулоти яқунлайди. Гуруҳларнинг баъзиларига, уларнинг фаолиятларига ўз фикрини билдиради. Ушбу тренер уларни нималарга ўргатганини, улар шу тренинг орқали нималарни билиб олишганлари билан қизиқади ва керакли саволларни беради. Ушбу тренинг 1 соатга мўлжалланган.

### Блиц - ўйин «Мен - тадбир ташкилотчиси»

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ ҳатоси	Тўғри жавоб	Якка ҳато	Якка баҳо	Ҳаракатлар мазмуни
		5			Тадбирнинг режасини тузиш
		2			Тадбирнинг мақсадини белгилаш
		3			Тадбирнинг мазмунини танлаш
		8			Тадбирни бошлаш йўлини танлаш ва унинг сценарийсини ёзиш
		12			Тадбирни репетиция қилиш
		7			Олдиндан бўлажак тадбирга томашабинларнинг муносабатларини кўра билиш
		9			Тадбирни вақтларга бўлиш
		1			Тайёрладиган тадбирни бошқа тадбирлар ўртасида долзарблигини баҳолаш
		4			Тадбирни мазмунини тузиш
		6			Бўлажак тадбирнинг энг қизиқарли, таъсирли нуқталарини танлаш
		13			Ўтказиладиган тадбирнинг якуний таҳлили ва кейинги тадбирга тайёрлик
		10			Тадбирда ишлатиладиган техникаларни тайёрлаш масалаларини ҳал этиш
		11			Тадбир ўтказиладиган жойни жиҳозлаш ҳамда керакли техникани тайёрлаш

### 3.5. «БУМЕРАНГ» ТЕХНОЛОГИЯСИ.

#### Тренинг ҳақида тушунча.

Ушбу технология ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи-талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

#### МАҚСАД.

Тренинг давомида тингловчиларга тарқатилган материалларни улар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда ўзаро суҳбат-мунозара орқали, турли саволлар орқали тарқатма материаллар, ундаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганини назорат қилиш. Тренинг давомида ўқувчи-талабалар томонидан баҳо балларини эгаллашга имконият яратиш.

#### ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади.

1-босқич.

-Тренинг тўғридан-тўғри тингловчиларни 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлишдан бошланади;

- тренер ҳар бир гуруҳ ва унинг ҳар бир аъзосига мустақил ўрганиш, фикрлаш ва ёдда сақлаб қолиш учун алоҳида-алоҳида аниқ ёзма тарқатма материал беради (тарқатма материалида) тренер томонидан танланган умумий мавзу бўйича бирон бир ҳажмдаги матн берилган, уларнинг сони гуруҳлар ва тингловчилар сонига боғлиқ. Агар 4 та кичик гуруҳ бўлса, у ҳолда умумий мавзу 4 та кичик матнларга бўлиниб ҳар бир гуруҳга берилади.

-фаолият самарали бўлиши учун ҳар бир гуруҳга берилган матндан ҳар бир тингловчига берилади. Шундай қилиб, 4 та гуруҳ умумий мавзу асосида 4 хил матнга эга, ҳар бир тингловчи эса ўз гуруҳига тушган матнга эга бўлади.

2 - босқич.

- гуруҳларга берилган матнни гуруҳ аъзолари якка тартибда алоҳида ўрганишлари, матнни эслаб қолишлари, кейин эса керак бўлса, бошқаларга ёки тренерга гапириб беришлари, иложи борица матнни ўзлаштириб олишлари кераклигини тренер уқтиради ва тайёргарлик учун матнни катта кичиклигига қараб 10-15 дақиқа вақт беради. Ўзи эса гуруҳ ва тингловчиларни иш фаолиятини кузатади.

3 - босқич.

- тренер олдиндан тайёрлаб қўйилган рақамлар ёзилган кичик қоғозлар билан ҳар бир гуруҳ ёнига келиб гуруҳ аъзоларидан ушбу қоғозлардан биттадан рақам тортиб олишларини сўрайди.

(қоғозлар сони гуруҳдаги тингловчилар сонига боғлиқ, масалан, гуруҳда беш киши бўлса, қоғоздаги рақамлар 1,2, 3, 4, 5, этиб тайёрланади, агар 4 та бўлса 1 дан ва ҳ.). Гуруҳлардаги барча тингловчилар рақамлар ёзилган қоғоздан олишлари керак. Нечта гуруҳ бўлса, шунча гуруҳ аъзолари сонига қараб рақамлар ёзилган қоғозлар тайёрланади.

- тренер рақамлар бўйича тингловчилардан янги гуруҳлар тузишларини сўрайди. Масалан, ҳамма 1 рақамни олганлар битта янги гуруҳни, 2 рақамлилар иккинчи гуруҳни, 3 рақамлилар учинчи гуруҳни, 4 рақамлилар тўртинчи гуруҳни, 5 рақамлилар бешинчи гуруҳни ташкил этишларини сўрайди. Гуруҳ аъзолари янги гуруҳга ўтишларида ўзлари ўрганган матнларни оладилар.

4 - босқич.

- рақамлар бўйича янги гуруҳлар тузилганида ҳар бир янги гуруҳда аввалги гуруҳлардан биттадан вакиллар ўз-ўзидан тўпланиб қолади, яъни 4 та гуруҳда 4 хил матн ўрганилган бўлса бу янги гуруҳда ҳар биттасидан битта вакил тўпланади, умумий мавзу бўйича 4 тингловчи ва 4 хил матн тўпланади.

5 - босқич.

- янги тузилган гуруҳнинг ҳар бир аъзоси энди ўзига 2 та вазифа, яъни ўқитувчи ва ўқувчи вазифасини олади ва қуйидагича фаолият кўрсатади:

1. Ўқитувчи (ўргатувчи) сифатида, ўзи аввал ўрганган материални гапириб беради, тушунтиради, ўзи мустақил ўрганган материалнинг асосий

жойларига барчани диққатини жалб қилади, бошқа гуруҳ аъзоларининг тушуниш ва ўзлаштириш қобилиятларини текширади.

2. Ўқитувчи сифатида, гуруҳ аъзолари навбатма-навбат сўзлаб, тушунтираётган, гапираётган матнларни эшитади, таҳлил қилади, фикрлайди ва ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Тренер эса уларга ўз матнларини фақат сўзлаб беришлари кераклиги уқтиради ва бунга 20 дақиқа вақт беради (матн ҳажмига ва умумий мавзунинг қийин, осонлигига қараб вақт ажратилади). Бу босқичда тренинг бошланишида тарқатилган барча материал тингловчилар томонидан ўзлаштирилган ҳисобланади.

6 - босқич.

- гуруҳдаги бир - бирларига ўз матнларини гапириб бериб, барчалари ушбу матнларни билиб олишгач, тренер ўрганилган материал гуруҳ аъзолари томонидан қанчалик ўзлаштириб олинганини текшириб кўриш учун ҳар бир гуруҳ аъзоси бир-бирларига ўз матнларидан келиб чиққан ҳолда саволлар беришлари мумкинлигини тушунтиради. Бу эса гуруҳдаги тингловчиларни бир-бирларига сўзлаб берган материалларини бошқалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга, мустаҳкамлашга ёрдам беради.

7 - босқич.

- тренер барча тингловчиларни яна қайтадан аввалги жойларга қайтишларини сўрайди, яъни яна ҳамма машғулот бошланишидаги гуруҳларга қайтадилар.

8 - босқич.

- тренер аудиториядаги тингловчиларнинг барчаси ҳаммага тарқатилган ёзма материаллар билан таниш эканликлари, улар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлганликлари ҳисобга олган ҳолда аудиториядаги ҳар бир ўқувчи талабадан ҳоҳлаган материални сўраши мумкинлигини айтади.

9 - босқич.

- тингловчиларга қаратилган барча материални улар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлиги даражасини аниқлаш мақсадида тренер-ўқитувчи, ёки махсус гуруҳ ёки оппонент гуруҳи томонидан берилган назорат саволларига жавобларни рейтинг баллари орқали баҳоланиши тушунтирилади, масалан саволларга берилган жавобларни - агар тўлиқ жавоб бўлса -3 балл, қўшимча қилинса -2 балл, ўтирган жойидан луқма ташланса - 1 балл, жавоб берилмаса - 0 балл қўйилиши белгиланади.

Баҳо системасида - тўлиқ жавоб учун - 5 баҳо, қўшимча учун -4 баҳо, луқма ташланса -3 баҳо, жавоб бермаса -2 баҳо, умуман иштирок этмаса - 1 баҳо қўйишни белгилаш мумкин.

Гуруҳ аъзоларининг жавобларининг юқорида кўрсатилган тартибда баҳолаш, балларини қўйиб бориш, умумлаштириш учун ҳар бир гуруҳ ўзига гуруҳ катнашчиларидан бирини «ҳисобчи» этиб тайинлаши мумкин («ҳисобчи» ҳам даврада бўлаётган савол - жавоблар мулоқотида иштирок этади).

10 - босқич.

Ушбу босқичда тренер тарқатма материаллар асосида тузилган саволлар (5-6 та) билан ўқувчи-талабаларга мурожат қилади (саволлар) иложи борица ҳамма матнларга тегишли бўлгани маъқул, шунингдек, тренер аудиториядаги барча ўқувчи талабаларни жавоб бериш учун қамраб олишга ҳаракат қилади).

Белгиланган саволларга жавоб бериш тугагач, тренер доскага гуруҳлар томонидан тўпланган балларни ёзади ва машғулотнинг кейинги босқичига ўтади.

11 - босқич.

Тренер-ўқитувчи ҳар бир гуруҳни ўз ёзма материалларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда биттадан савол тайёрлашлари кераклигини айтади ва гуруҳлар савол тузишлари учун 5-7 дақиқа вақт ажратади.

12 - босқич.

Бу босқичда гуруҳлар бир-бирларига саволлар берадилар, гуруҳлардаги «ҳисобчилар» эса гуруҳ аъзоларининг жавобларини юқорида белгиланган тартибда баҳолаб борадилар. Жавоблар тўғри бўлса, савол берган гуруҳ жавобини тўлдирмайди.

13 - босқич.

- тренер - ўқитувчи гуруҳ аъзолари тўплаган балларини яна бир маротаба доскага ёзади ва тўпланган баллар (баҳола)нинг умумий сонини аниқлайди. Тўпланган баллар (баҳола)ни умумий сонини гуруҳ аъзоларига теппа-тенг бўлади (юқорида келишганлик асосида).

ИЗОҲ: агар тўпланган балларни гуруҳ аъзоларига теппа-тенг бўлишда ўқувчи-талабалар томонидан норозилик бўлса, яъни баъзи гуруҳ аъзолари гуруҳнинг фаолиятида фаол иштирок этиб, умумий жамоавий фаолиятда пассив бўлган бўлишса, ёки умуман иштирок этмаган, қизиқмаган бўлишса, бундай ҳолатда вазиятни ечишни гуруҳ аъзоларига юклатилади, гуруҳнинг ечими тўғри ҳисобланади, ёки тренер ўқитувчи ўз фикрини билдириши мумкин, чунки у дарс жараёнида ўқувчи-талабаларнинг жавоблари, фаол ёки пассивликларини кузатиб боради.

Умуман олганда, агар ўқувчи - талаба фаоллик кўрсатмаган, ёки савол-жавобларда иштирок этмаган бўлса ҳам унинг шу дарс жараёнида бирон нарсани билиб олгани, эслаб қолиб ўзлаштирганини ҳисобга олган ҳолда унга энг кичик балл берилиши мумкин. Бу ўқувчи-талабани кейинчалик шу шаклдаги дарсларда фаолроқ бўлишига ундайди. Юқоридаги каби вазият вужудга келса унинг ечимини ҳар бир ўқитувчи шароитга, фаолиятга қараб ўзи ҳал этиши ёки гуруҳ, жамоага ташлаши мумкин.

Баъзида гуруҳнинг «ҳисобчи» балларни қўйишда ноаниқлик ёки қўшиб ёзишлари мумкин, натижада, баъзи гуруҳларнинг умумий тўплаган баллари бошқа гуруҳларникидан жуда фарқ қилиши мумкин. Ўқувчи-талабаларнинг ҳаққоний баҳоланишлари уларнинг танлаган «ҳисобчи»ларига боғлиқ эканлигини тренер -ўқитувчи эслатиб ўтади. Агар умумий тўпланган балларни гуруҳ аъзоларига тақсимланганда шу машғулот учун белгиланган максимал баллдан ортиб кетган бўлса, у ҳолда шу машғулот учун керакли

баллни олиб қолиб, ортиқчасини кейинги машғулотларга ёки якуний назоратга ўтказиш мумкин.

14 - босқич.

Ҳар бир талабага баллар қўйилгач (хар бир ўқувчи баҳолангач) тренер машғулотга якун ясайди. Ўқитувчи - талабаларнинг фаолиятига баҳо беради, берилган жавобларга ўз фикрини билдиради ва қуйидаги саволлар билан уларга мурожат қилади:

- бугунги машғулотдан нималарни билиб олдингиз?
- нималарни ўргандингиз?
- нималар сизлар учун янгилик бўлди?
- Яна нималарни билишни истар эдингиз?

15 - босқич.

Тренер - ўқитувчи ўқувчи-талабаларнинг жавобларини диққат билан тинглаб уларга миннатдорчилик билдиради ва дарсни якунлайди.

### **3.6. ТРЕНИНГ «МУЛОҚОТ»**

#### **Тренинг ҳақида тушунча:**

Ушбу тренинг ўқувчи-талабаларга дарс жараёнида мустақил фикрлашга ўз фикрларини эркин ҳолда баён эта олишга ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда бундай машғулот тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилади.

#### **МАҚСАД.**

Танланган мавзу, муаммо асосида тингловчиларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларни аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрдам бериш, эркин ҳолда баҳслашишларига шароит яратиш.

#### **ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.**

Тренер машғулотни бошлашдан аввал тингловчиларни мулоқот, баҳс мунозарани ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан тушунтиради, сўнгра ушбу тренинг босқичма-босқич ўтказилишини тушунтиради.

1 - босқич.

Тренер машғулотни ўтказиладиган мулоқотнинг мавзусини аниқлашдан бошлайди, масалан, «Сиз қайси маданият тарафдорисиз: Шарқ ёки Европа?». Шу мавзунини ўртага ташлаб тингловчилардан Шарқ маданияти ва Европа маданияти тарафдорларини аниқлаб олади. Уларни шу тартибда гуруҳларга бўлади.

2 - босқич.

Ҳар бир гуруҳдаги тингловчилар ўз мавзулари асосида керакли материаллар: далиллар, мисоллар, аниқ фикрлар, ўз фикрларини тасдиқловчи кўргазмалар, материаллар, имкони бўлса видеофильм, мақолалар, мутафаккур ва олимларнинг сўзлари ва бошқаларини тайёрлайдилар. Гуруҳдан бир кишини химоя учун танлайдилар, қолганлар эса ўз фикрларини қўшимча

қилишлари мумкин. Тренергуруҳларни тайёргарлик кўришлари учун шароит ва имкониятга қараб вақт беради.

3 - босқич.

Гуруҳлар ҳимояга тайёр бўлгач, тренер гуруҳларнинг бирига ҳимоя учун сўз беради (ҳимояга чиқиш ихтиёрий равишда бўлиши мумкин). Гуруҳ вакили гуруҳ номидан сўзга чиқиб уларга берилган мавзуни тайёрланган материаллар, далиллар асосида ҳимоя қилишга киришади. Гуруҳ вакили сўзини тугатгач, гуруҳнинг қолган аъзолари ўз фикрлари билан қўшимча фикрлар билдиришлари мумкин.

4 - босқич.

Машғулотнинг 3-босқичидаги каби бу босқичда ҳам тренер навбатдаги гуруҳ вакилига ҳимоя учун сўз беради. Иккинчи гуруҳ ҳам биринчи гуруҳ каби ўз мавзуси бўйича ҳимоя қилади. Ҳимоя тугагач, тренер машғулотнинг кейинги босқичига ўтади. Ҳар иккала гуруҳнинг ҳимояси вақтида тренер иложи борича уларга халақит бермасликка, ўз фикр ва мулоҳазасини билдирмасликка, савол бермасликка, ҳаракат қилади, ҳеч қайси гуруҳ ён босмаган ҳолда мулоқотни ўтказишга қўйилган талаб, қоидаларни тўлиқ бажарилишига эришишга ҳаракат қилади. Бу босқичда, асосан, икки гуруҳ эркин, мустақил фаолият кўрсатишлари керак бўлади

5 - босқич.

Гуруҳлар бир-бирларига савол беришни бошлайдилар. Гуруҳлар томонидан бериладиган саволлар улар ҳимояси вақтида айtilган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида, шунингдек, ўзгуруҳларининг фикрларини янада таъкидлаб, исботлаб, қолганларини ҳам шу фикрга қўшилишларига даъват қилиш учун берилиши мумкин. Тингловчилар эркин ҳолда ўзларининг чиқишлари билан барчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъқуллашга ҳаракат қиладилар. Тренер бундай ҳолатга шароит, имконият яратади, яъни у баҳс-мунозарани самимийлик билан бошқаради.

6 - босқич.

Тренер ҳар иккала томоннинг бир-бирларига саволлари, айтадиган фикрлари, маъқуллайдиган сўзлар тугагач, ҳар икки гуруҳ томонидан айtilган фикрларни умумлаштиради ва ўзининг бу масала ҳақидаги фикр ва мулоҳазасини баён этади ва гуруҳ тингловчиларитомондан тушган саволларга керакли жавобни беришга ҳаракат қилади.

Машғулот охирида тренер ҳар иккала гуруҳнинг машғулот жараёнида фаолиятларини таҳлил этиб, уларга миннатдорчилик билдиради ва машғулотни яқунлайди.

Ушбу тренингнинг давомийлиги шароитига қараб белгиланади.

### **3.7. Ақлий ҳужум методи**

Ақлий ҳужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий ҳужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма

ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга талабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талабалар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий ҳужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий ҳужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Вазифаси. «Ақлий ҳужум» қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади.

Объекти. Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

Қўлланиш усули. «Ақлий ҳужум» иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва ақлий ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

«Ақлий ҳужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзунини такрорлаш ёки бир мавзунини кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий ҳужум» методининг афзаллик томонлари:

- натижалар баҳоланмаслиги талабаларни турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;

- талабаларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- талабаларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;

-талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

«Ақлий ҳужум» методининг камчилик томонлари:

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

«Ақлий ҳужум» методининг таркибий тузилмаси:

«Ақлий ҳужум» методининг босқичлари:

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;

2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;

4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.


«Ақлий ҳужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

а) билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

б) билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

в) билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

### 3.8. Муаммоли ўқитиш технологияси



«Муаммоли ы=итиш» нинг блок схемаси

Муаммоли ўқитиш америкалик философ, психолог ва педагог Дж.Дионнинг назарий қоидаларига асосланади ва XX асрнинг 20-30 йилларида тарқала бошлади.

Бугунги кунда, муаммоли ўқитиш деганда машғулотларда педагог томонидан яратиладиган муаммоли вазиятлар ва уларни ечишга қаратилган талабаларнинг фаол мустақил фаолияти тушунилади. Бунинг натижасида талабалар касбий билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар ҳамда фикрлаш қобилиятлари ривожланади.


Муаммоли ўқитиш, ўқитишнинг энг самарали усулидир. Педагог муаммоли вазият яратади, талабани уни ечишга йўналтиради, ечимни излашни ташкил этади. Муаммоли ўқитишни бошқариш, педагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши-индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб этади.

### **3.9. «КЛАСТЕР» методи**

Кластер методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани Аниқлашни талаб этади. «Кластер» методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Кластер» методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ўқувчилар билан яқка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчилар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

«Кластер» методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:




### «Кластер» методининг қоидалари

#### 3.10. «ВЕН ДИАГРАММАСИ» стратегияси методи

Ушбу стратегия ўқувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтиради. Стратегия гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:



Стратегия ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради.

Ушбу стратегиядан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Стратегияни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

*синф ўқувчилари тўрт гуруҳга бўлинади; ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс эттириувчи схема чизилади; ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади; топшириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади; лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирдилар.*

«Венн диаграммаси» стратегиясини қўллаш жараёнида гуруҳлар томонидан ташкил этилувчи фаолият моҳияти қуйидагичадир.

### 3.11. «6х6х6» метод

Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчини муайян фаолиятига жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларни аниқлаш, уларнинг карашларини билиб олиш мумкин. 6х6х6 методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокома қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида такдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокома қиладилар.

«6х6х6» методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

*Гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишига ундайди;  
улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;  
гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;  
илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштириш олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишига ўргатади*

Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам, тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

Ушбу методни 5, 6, 7 ва ҳатто 8 нафар ўқувчидан иборат бўлган бир неча гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Бироқ йирик гуруҳлар ўртасида «6х6х6» методи қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келади. Чунки бундай машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот учун ҳам бир мунча кўп вақт талаб этилади. Сўз юритилаётган метод қўлланилаётган машғулотларда гуруҳлар томонидан бир ёки бир неча мавзу (муаммо) ни муҳокома қилиш имконияти мавжуд.

«бхбхб» методидан таълим жараёнида ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади. Гуруҳларнинг тўғри шакллантирмаслиги топшириқ ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. «бхбхб» методи ёрдамида машғулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқилади.

2. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинадилар. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутиши мумкин: 6 столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Маҳғулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Ўқувчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг гуруҳлардан мунозараларни яқунлашларини сўрайди.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги олтита гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ ечимлари) ни муҳокама қиладилар яқуний хулосага келадилар.

### **3.12. «Қора қути» методи**

Таълим жараёнида мазкур методни қўллашдан мақсад ўқувчилар томонидан мавзуни пухта ўзлаштиришга эришиш билан бирга уларни фаолликка ундаш, уларда ҳамкорликда ишлаш, маълум вазиятларни бошқариш ҳамда мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Методдан фойдаланиш-да қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

*ўқувчилар жуфтликка бириктириладилар; жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи асосий тушунчалар (таянч сўзлар, саналар, Рақамлар, белгилар ва ҳ.о.) ни карточкаларга қайд этиш вазифаси юкланади; ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда гуруҳлар томонидан топшириқнинг бажарилишини текшириладилар; топшириқни тўғри бажарган гуруҳнинг бир аъзоси ўқитувчи родини бажаради ва топшириқнинг ечимини ёзув тахтасига ёзади; тарабалар ёзув тахтаида қайд этилган фикрни шарҳлайдилар (таянч сўзлар, саналар, белгилар қандай маънони англатишини айтадилар); тўғри жавоб берган ўқувчи ўқитувчи родини бажариб, жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи схема, жадвал ёки тасвир яратишини топширади ва ўқитувчи ёрдамида топшириқнинг бажарилишини текширади.*

### **3.13. «Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ...) ортиқча» методи**

Ўқувчиларнинг мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишларида ушбу метод алоҳида аҳамиятга эга. Уни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

*ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи тушунчалар тизимини шакллантириш; ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллуқли бўлган тўртта (бешта, олтита, ...) ва тааллуқли бўлмаган битта тушунчанинг ўрин олишига эришиш; ўқувчиларга мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқлаш ва уни тизимдан чиқариш вазифасини топшириш; ўқувчиларни ўз ҳаракатлари моҳиятини шарҳлашга ундаш (мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчилардан тизимда сақланиб қолган тушунчаларга ҳам изоҳ бериб ўтишлари ҳамда улар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни асослашларини талаб этиш лозим)*

Мавзу моҳиятини ёритувчи тушунчалар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни кўрсата ва асослай олиш ўқувчиларда мустақил фикрлаш, шахсий ёндашувларни асослай олиш, шунингдек, тенгдошларининг фикрлари билан шахсий мулоҳазаларини ўзаро таққослаш кўникмаларини ҳам шакллантиради.

### **3.14. «3|3» («4|4», «5|5», ...) методи**

Мазкур метод ҳам юқорида қайд этилган методларнинг муқобили ҳисобланиб, ўқувчилардан ўрганилаётган мавзу (ёки бўлим, боб) юзасидан тахлилий мулоҳаза юритиш, шунингдек, энг муҳим таянч тушунчаларни ифодалай олишни талаб этади. Унга кўра ўқитувчи мавзу (бўлим, боб) юзасидан учта (тўртта, бешта ва ҳ.к.) тўғри ва унга тенг нисбатда (учта, тўртта, бешта) бўлган ва ноўрин қўлланилган тушунчалар (сўзлар, белгилар, тасвирлар ва бошқалар) дан иборат тизимни шакллантиради. Ўқувчилар ушбу тизимдан мавзу (бўлим, боб) га тааллуқли бўлмаган тушунчаларни ажратадилар ва ҳаракатларнинг моҳиятини изоҳлайдилар.

Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

*Ўқитувчи ўзаро тенг нисбатда мавзу (бўлим, боб) га оид ва оид бўлмаган асосий тушунчалар тизимини яратади; ўқувчилар мавзу (бўлим, боб) га оид ва оид бўлмаган асосий тушунчаларни аниқлайдилар ва даҳлдор бўлмаган асосий тушунчаларни тизимдан чиқарадилар; ўқувчилар ўз ҳаракатларининг моҳиятини изоҳлайдилар.*

Методдан индивидуал, гуруҳли ва оммавий шаклда ўқувчилар томонидан мавзунинг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда уларнинг билимларини аниқлаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **3.15. Дарс ишланмаларини тузиш бўйича услубий тавсиялар**

**Дарс ишланмаси** - ўқитувчи учун тузиш мажбурий бўлган ҳужжатдир. Уни тузишдан кўзланган асосий мақсад-ўқитувчининг бир соатлик дарсдаги фаолиятини ривожлантириш, дарс мазмунини бойитиш, таълим самарадорлигини оширишдан иборат. Бир марта маромига етказиб тузилган дарс ишланмаси ўқитувчи учун узоқ йиллар давомида хизмат қилиши мумкин. Дарс ишланмасини йилдан-йилга такомиллаштириб ва мукамаллаштириб бориш, янги дарс услубларини қўллаш, янги материалларни киритиш билан янгиланиб турилиши лозим.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари жорий этилиши ва таълим жараёнига янги педагогик технологияларнинг, компьютер, янги ахборот технологиялари ва техник воситаларнинг қўлланиши билан дарс ишланмаларига қўйилган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. Дарс ишланмалари учун тайёр қолиплар йўқ. Чунки жонли дарс жараёнини ҳеч қанақа қолипга солиб бўлмайди. У турли хил шароитларда турлича тузилиши мумкин.

Шундай бўлса-да, ўқитувчиларга дарс ишланмасини қуйидагича тузишларини тавсия этамиз:

#### **Дарс ишланмасининг намунавий кўриниши**

**I. Дарснинг мавзуси**

**II. Дарснинг мақсади**

**III. Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий тушунча ва атамалар**

**IV. Дарс учун зарур жихозлар ва маълумот манбалари**

**V. Дарснинг босқичлари ва вақт тақсимоти.**

**VI. Дарснинг тафсилотлари**

**Дарснинг мавзуси** - ўқув дастурига мувофиқ танланади..

**Дарснинг мақсади** - давлат таълим стандарти талабларидан келиб чиқиб аниқланади. Дарснинг мақсади - ўқитувчи ўқувчига қандай билим, малака ва кўникмаларни бериши кераклиги билан эмас, балки ўқувчилар бу дарсдан қандай билим, малака ва кўникмаларни эгаллашдан келиб чиқиб ёзилиши лозим. Шунга кўра дарснинг мақсадини «ўқувчиларнинг қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига эришиш: ...» сўзлари билан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Мақсад аниқ, содда ва тушунарли

жумлалар билан ифодаланмоғи керак. Энг асосийси - дарсдан кўзланган мақсадга ҳақиқатдан эришиб бўладиган ва натижасини текшириб бўладиган бўлмоғи лозим.

**Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий тушунча ва атамалар** - ўқув дастурига мувофиқ таълим мазмунидан келиб чиқиб аниқланади.

**Дарс учун зарур жиҳозлар ва маълумот манбалари** - дарс учун зарур бўлган дарслик ва бошқа ўқув адабиётлари, кўргазмали қуроллар, тажриба учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, моделлар, плакатлар, тарқатма материаллар, далилий ашёлар, қоғоз, ёзув-чизув қуроллари, компьютер, аудио ва видео аппаратуралари ҳамда ўқитишнинг бошқа техник воситалари рўйхатидан иборат бўлади. Шунингдек, бу бўлимда дарсгача қилиш керак бўлган ишлар, ўқув хонасини дарсга тайёрлаш, стол ва стулларни ёки парталарни дарсга мос қилиб жойлаштириш тавсифланиши ва тайёрлаш керак бўлган материаллар рўйхати келтирилиши, бу материалларнинг андозалари тавсифланиши ёки илова қилиниши керак.

**Дарснинг босқичлари ва вақт тақсимооти** - икки устундан иборат жадвал бўлиб, биринчи устунга дарснинг асосий босқичлари, иккинчи устунга эса ҳар бир босқич учун зарур бўлган вақт тақсимооти кўрсатилади.

**Дарснинг тафсилотлари** - дарс ишланмасининг асосий ўзагини ташкил қилади. У дарс тури ва танланган услубга қараб турлича бўлиши мумкин. Мисол тариқасида, Янги мавзуни ўзлаштиришга бағишланган дарс тафсилотлари ёритиш тартибини келтирамиз:

**1. Ташкилий қисм** – саломлашиш, давоматни текшириш, зарур кўргазмали қурол ва жиҳозларни дарсга ҳозирлаш;

**2. Янги мавзуни бошлашга ҳозирлик** - янги мавзу билан боғлиқ, ўтган дарс мавзуларини такрорлаш; ўқувчиларнинг янги мавзуни ўтишдан олдин бу мавзуга оид билим даражаларини аниқлаш ва баҳолаш; янги дарс мақсадини тушунтириш (дарс мақсади ва ёритилиши лозим бўлган асосий тушунча ва атамалар, олдиндан доскага ёзиб қўйилса ёки қоғозга олдиндан катта қилиб ёзиб, осиб қўйилса, вақт тежаллади);

**3. Янги мавзуни ёритиш** - дарс материалларини кичик-кичик бўлақларга бўлиб, кетма-кет маълум узвийликда ва мантиқий боғлиқликда, кўргазмали тарзда ва турли хил ўқитиш услубларидан фойдаланган ҳолда бериш;

**4. Янги мавзуни мустаҳкамлаш** - олинган назарий билимларни ёрқин мисолларга қўллаш ва турли хил топшириқларни бажариш асосида ўқувчиларда янги мавзуга оид амалий кўникмаларни ҳосил қилиш ва баҳолаш; баҳолаш учун бериладиган савол ва топшириқлар айнан дарс мақсадидан келиб чиққан бўлиши, унга эришилган ёки йўқлигини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим;

**5. Дарсга яқун ясаш ва баҳолаш** - дарснинг мақсадини яна бир бор эслатиш ва унга қанчалик эришганликни ўқувчилар билан биргаликда аниқлаш; ўқувчиларнинг мавзу бўйича саволларига жавоб бериш, дарснинг асосий лаҳзаларини қайд қилиш, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш, дарсда фаол қатнашган ўқувчиларни тилга олиш ва баҳолаш;

(ўқувчилар билимини баҳолашни бутун дарс давомида турли хил усуллар ёрдамида ҳам бажариш мумкин; баҳолашдан мақсад ўқувчиларга фақат қандайдир балларни қўйиб боришдан иборат эмас, балки ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиб боришдан иборат бўлиб, керак бўлганда дарснинг боришига ўзгартиришлар киритиш, тушуниш қийин бўлган жойларга қайта тўхталиш лозим бўлади);

**6. Уйга вазифа** - ўтилган мавзу бўйича билим, малака ва кўникмаларни янада мустаҳкамлашга ёки келгуси дарс учун ҳозирлик кўришга қаратилган, мустақил бажаришга мўлжалланган савол, машқ ва топшириқлар мажмуаси.

### **3.16. Дарсга кириш ва таҳлил этиш техникаси**

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида кўпинча бошқарма вакиллари, раҳбар ходимлар, методистлар, ўқитувчилар ўқитувчиларни дарсларга кириш, дарсни таҳлил қилишда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида кўпинча бош қотиришади. Шу сабабдан биз ушду ўқув-услубий кўлланмага шу масала юзасидан баъзи бир тавсияларни киритдик. Асида ўқитувчининг дарсга кириш ва уни таҳлил қилиш, биринчи навбатда, дарсга кираётган шахснинг қўйган мақсадига боғлиқ. Масалан: «Мен янги мавзунини баён қилишдаги тажрибангизни (ёки баҳолашингизни, мавзунини мустаҳкамлашингизни, тўлиқ дарс жараёнини ташкил этишингизни, ўқувчи-талабалар билан мулоқотингизни ва б., ўрганмоқчи, кузатмоқчи, оммалаштирмоқчи) эдим». Шунга қараб, дарс таҳлили ўтказилади. Қуйида берилган тавсиялар кўп йиллик тажрибалар натижасида ҳамда ҳозирги кун талаби асосида тузилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида таълим мазмунига қўйиладиган талаблар янада кучайди. Ўтказилаётган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги ўқувчиларнинг аксарияти юқори синфлар мисолида 70-75 фоизи ўқишга қизиқмай қўйишди. Бунинг сабабларидан бири дарс мабойнида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида умуман мулоқотнинг йўқлигидир. Шунингдек, мактабда, ўрта-махсус ўқув юртларида ҳамкорлик педагогикаси, халқ тарбияшунослиги ва педагогик руҳшунослар хизмати тўғри йўлга қўйилмаганлигидадир. Умуман олганда муаллим ўзининг кучли ва заиф томонларини ҳар доим англаши керак. Айрим муаллимлар ўзларининг заиф томонларини, айниқса, билимсиз эканликларини ёпиш учун ўқувчига ортиқча талаблар қўядилар. Ўқитувчининг бўш томонини эса ўқувчи тез англайди. Шунинг учун у ҳадиксираб эмас, балки ўқитувчи хурматини жойига қўйиб, муносабатга киришиши мумкин. Бундай руҳий кайфиятни баъзан ўқитувчи сезмайди. Ўқувчи эса муаллимни ҳар доим кузатиб боради. Ундан илиқ гап, меҳр-мурувват кузатади.

Ҳозир фанда таълимнинг тарбиявий аҳамиятини очиб бериш муаммоси турибди. Шундай шароитда ўқитувчининг ташқи қиёфаси ҳам баъзан тарбиявий аҳамият касб этади. Лекин уларнинг ичида энг муҳими - энг зарури ва ўқувчи учун энг аҳамиятлиси - ўқитувчининг билимдонлиги,

янгилик ва дунёвий билимларга чанқоқлиги ҳамда унинг сўзи билан ишининг мувофиқ келишидир ҳамда ўқувчиларни изланишга, билимларни мустақил эгаллашга, ҳар бир фаннинг моҳиятини тушунишга, ишга ижодий ёндашишга ундаши ва ўқувчининг эркин фикрлаши, мустақил ишлаши учун шароит яратишидадир.

Кўп йиллик иш тажрибаси ва кузатишлар шуни тақозо этадики, ўқитувчи хашиша ўз устида ишлаши, билим, кўникма ва малакасини такомиллаштириб бориши керак, унинг кундан-кунга педагогик маҳоратини ўсиб бориши, янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш олиши унинг фаолиятида намаён бўлади. Ўқитувчининг фаолияти, унинг маҳоратини одатда кузатиш ёки дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш орқали билиш мумкин. Ўқитувчи фаолияти ва унинг дарсларини кузатиш ҳамда таҳлил этишни кўпинча бошқарманинг инспектори, ўқув юрти раҳбари ёки методистлар, ўқитувчи ва метод бирлашма бошлиқлари амалга оширадилар. Одатда ўқитувчининг дарсга кириш лозим деб топилса, айниқса ташқаридан келган шахсларни дарсга киритишдан олдин ўқитувчилик касби одобига кўра, қайси синфга ва қайси дарсга кириш кераклиги огоҳлантирилиши лозим. Аввало, метод бирлашма раиси, имконият бўлмайд қолган тақдирда маъмурият аъзоларидан бири, ташқаридан келган кузатувчини бирга олиб кириши даркор. Шундай ҳолда баъзи бир англашилмовчиликлар ва психологик тўсиқларнинг олди олинган бўлади.

Ўқитувчи билан бирга дарсга кириб келиб, орқа ўриндиқлардан бирига ўтиргач, дарс бошланади. Ўқитувчи дарсга кирганда қўлида ёки синф хонасида - синф журнали, ўқув дастури, календарь-мавзу режаси, дарснинг технологик картаси бўлиши керак. Мутахассис сифатида ўқитувчининг дарсини кузатмоқчи, таҳлил этмоқчи бўлсангиз, қуйидагиларга эътибор бершингиз лозим:

### **3.17. Дарс таҳлилининг асосий таркибий қисмлари**

1. Ўқитувчининг дарсга қандай тайёргарлик кўрганлиги.

Ўқитувчида дарснинг ўқув режаси мавзу бўйича турли ишланмаларни борлиги, шу билан бир қаторда турли дидактик тарқатма материалларини, кўргазмали қуролларни тайёргарлиги. Дарсни таҳлил қилувчи томонидан ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги билан юзаки танишиб чиқилмайди, сабаби унинг дарсга бўлган тайёргарлиги бутун дарс давомида кузатилади ва таҳлил этилади.

2. Дарсга мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши. Ўқитувчи ҳар бир дарсга аниқ мақсад қўядими? Мақсадни қанчалик тўғри қўяди?

3. Ташкилий таҳлили, яъни дарс ўтиладиган хонанинг дарсга тайёрлиги аввало болалар кайфияти соғлиги ва синф хонаси, досканинг тозаллиги, бўр ва намланган латтанинг борлиги, синф хонасининг тозаллиги, мабодо айрим ўқувчилар бирон сабабга кўра дарсга қатнашмаётган бўлса, уларнинг номи ёзилган варақчанинг ўқитувчи столига қўйилиши кабилардан

ташқари ўқитувчининг дарсга хозирлиги, унинг ташқи қиёфасига ҳам этибор берилади.

4. Дидактик (таълимий) таҳлили. Таҳлилнинг бу турида мавзунинг илмийлиги ва изчиллиги, оддийдан мураккабга томон йўналиши, кўрсатмалилик ва берилаётган билим, янги ахборотларнинг хаётийлиги, жонли ва равон тилда очиб берилиши.

5. Методик (услубий) таҳлил. Бунда ўқитувчи фаолиятининг икки томони назарда тутилади. Биринчидан, қуйидаги дастур асосида мавзу неча соатга мўлжалланган бўлса уни қандай усул асосида ўқувчининг ёши ва индивидуал-психологик хусусиятни ҳисобга олган ҳолда етказиб бера олиши, ўқувчиларни ўйлашга, изланишга мажбур этиши ва унга шароит яратиши. Иккинчидан ўзининг ўқитувчи сифатидаги тажрибалари қай даражада эканлигини намойиш этиш.

Мана шу иккинчи қисмда ўқитувчининг ижодкорлиги, методик маҳорати кўзга ташланиши лозим. Илғор педагогик ва новаторлик тажрибалари мана шу ердан бошланади.

6. Методологик таҳлил. Халқ таълими йўналишидаги қарорлар, талаблар, давлат тили, миллий рух, маданиятнинг гўзал дурдоналари, шу соҳа бўйича буюк олимлар алломаларнинг қилган ишлари, фикрлари, ўзгаришлар асос қилиб олиниши мумкин.

7. Психологик таҳлил. Аввало ўқувчининг кайфияти, унинг соғлиги, жамоадаги соғлом муҳит, ўқувчининг хушёрлиги, диққатнинг барқарорлиги ва кўлами, фанга бўлган қизиқиши, дарс бераётган ўқитувчисига муносабати, ўқувчининг ҳозиржавоблиги, сезгирлиги ва топқирлиги, идроки, янги ва аввалги материалларни эсда сақлаш, образли ва минтақавий тафаккури, ўқувчи фантазияси, олдида турган маъсулиятга нисбатан ўқувчининг иродали ёки иродасизлиги, ўқувчидаги қобилият, билим, кўникма ва малакалар кўлами каби томонлар киради. Ўқитувчининг фавқулодда вужудга келган вазиятдан чиқа олиши, ўзини бошқара олиши.

8. Педагогик таҳлил: Таҳлилнинг бу тури анча мураккаб, маъсулиятли бўлиб, ўқитувчининг ташқи қиёфаси синф билан тил топиша олиш маҳорати, унинг маданияти, одобидан ташқари қандай қилиб дарс жараёнида умуминсоний тарбиянинг таркибий қисмларини ўқувчига бера олиши ҳамда ўқитувчининг нутқ маданияти назарда тутилади.

Ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган миллий тарбия, экологик, иқтисодий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, нафосат ҳамда миллий истиқлол ғоясини сингдириш, тарбия элементлари қандай амалга оширилади?

Бу тарбия турларидан қай бирига айнан шу дарсда этибор берилди?

Дарснинг тарбиявий таъсирининг самараси қандай бўлди?

Бу масалалар педагогик таҳлилнинг асосини ташкил этади. Яна шуни айтиш керакки, ўқитувчиларнинг маъноли нутқини ҳеч қачон бошқа нарсага қиёслаб ёки алмаштириб бўлмайди.

9. Ўқитувчининг ҳамкорликдаги вазифаси таҳлили.

- Ўқувчиларни фикрлашга ўргатиш.

- Аниқ фикр ва материалларни ўрганиб, мулоҳаза юритиш, фикр билдириш.

- Ўқувчиларни изланишга, қидириб топишга ўргатиш.

- Ўқувчини ўзи мустақил фикрга эга бўлиши.

10. Якуний таҳлил ёки хулоса қисмида ўзининг мутахассис сифатидаги таклиф ва йўл-йўриқларини баён этасиз.

Дарс якунини таҳлил этиш жараёнида аввало дарс ўтган мутахассис гапиргани маъқул. Сўнг таҳлилда иштирок этувчилар гапирди.

ИЗОҲ: Ўқитувчининг дарсига ва унинг фаолиятига бир дарс таҳлили бўйича хулоса чиқариб бўлмайди, танқидий баҳо бериш учун ўқитувчининг ҳар бир шаклдаги бир неча дарсини кузатиш керак булади.

### Дарс ўтиш маҳорати, дарс мазмуни ва методини баҳолаш анкетаси

<b>Ф.И.Ш.</b>					
<b>Мавзу:</b>					
<b>Дарс тури:</b>					
№	I. Дарс ўтиш маҳоратини баҳолаш	Баҳолаш мезонлари			
		2	3	4	5
1	Асосий мавзунинг аниқ ёритилганлиги				
2	Дарснинг аниқ режа асосида олиб борилганлиги				
3	Кўргазмаларни курашлардан самарали фойдаланганлиги				
4	Ўқитувчининг ўзини тута билиши				
5	Ўқитувчининг ўқувчини ўзига жалб қила олиш маҳорати				
6	Ўқитувчининг ҳис-ҳаяжон билан дарс ўтиши				
7	Ўқитувчининг ўқувчиларни фаол қатнашиш ва савол беришга чақира олиши				
8	Ўқитувчи ўқувчилар томонидан берилган савол ва жавобларга саводхонлик билан муносабатда бўлиши				
9	Ўқитувчининг нутқ маданияти				
10	Умуман олганда дарс «яхши ўтилди»				
<b>II. Дарс мазмуни ва методини баҳолаш</b>					
11	Дарс мақсадининг аниқ ифода этилганлиги				
12	Ўқитувчи танланган методга амал қилиши				
13	Методикани яхши тушунишини намойиш этиши				
14	Дарс мазмунини Аниқ ифода этилиши				
15	Ўз вақтида мантиқий ва тушунарли мисолларнинг келтирилиши				
16	Ўқув материалини тушунганликларини мунтазам текшириб борганлиги				
17	Дарсда кириш, асосий қисм, якуновчи қисмларнинг мавжудлиги				
18	Умуман олганда дарс яхши тузилган ва яхши ўтилди				
Жами балл					

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: "Ўзбекистон", 1997. - 62 бет.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -326.
3. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». - Т.: Шарқ, 1997. -31 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасини ахборотлаштириш концепцияси. Ўзбекистон «Ўқитувчи» 2004 йил. 9 апрел.
5. «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора - тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. \\  
«Халқ сўзи».-Т.: 2002.(1.06.2002й.)
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тўғрисида»ги 1998 йил 5 январдаги 5 – сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус ва касб – ҳунар таълимини ташкил этиш тўғрисида» ги 1998 йил 13 майдаги 204 – сонли қарори.
8. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Т.: 2003, -174 б.
9. Педагогика. А.Қ.Мунавваровнинг умумий тақрири остида. Т.: «Ўқитувчи». 1996. –200 б.
10. Толипов Ў. Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари.- Пед.фан.док.... дисс.-Т.:2004. 278 б.
11. Толипов Ў. Талабаларнинг умуммехнат ва касбий малакаларини ривожлантириш жараёнида таълим воситаларидан фойдаланиш технологияси. \\  
«Истеъдод» ж. №4. 1998. 3-5.
12. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар.–Т.: «Молия», 2003. – 168 б.
13. Саидахмедов Н. Ўқитишнинг педагогик тизимдаги фаолияти \\  
Халқ таълими, 1993, №6-7. 9-12 б.
14. Кларин М.В. Инновационные модели учебного процессов современной зарубежной педагогики. Дисс... докт. пед. наук.– М., 1994. -346 с.
15. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.-Т.: «Ўқитувчи», 2004. -102 б.
16. Филатов О.К. Основные направления информатизации современных технологий обучения. Информатика и образование.-1999.-№2.-С.1-6.
17. Кларин М.В. Иновационные модели учебного процесса в

- современной зарубежной педагогике: Автореф. дис. ...док.пед. наук. - М.: -1995. - 47 с.
18. Лернер И.Я. Вниманиетехнологии обучения. \\\ Сов.педагогика, 1990. №3. -139 с.
  19. Сергеева Т. Новые информационные технологии и содержание обучения \\\ Информатика и образование. - 1991, -№ 1, - С. 3-10.
  20. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения.
  21. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии.-М.:
  22. Yadarova M.A New Technologies in Education: Victorual Reality, Multi-Media and Open and Distance Education 11 Procudings of Word Congress of Enginuniny Educators and Industry Leaders, UNESCO, Paros, 1996, Final Report, P. 34.36
  23. «Замонавий касбий педагогика» соҳасида «Germaniya – O'zbekiston» техникавий ҳамкорлик жамияти томонидан ташкил этилган ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича семинар материаллари тўплами. – Берлин. 2000. -195 б.
  24. Йўлдошев Ж.Ф. Янги педагогик технология йўналишлари, муаммолари ва ечимлари \\\ Халқ таълими 1999 №4 -4-11б
  25. Толипов У. Технология педагогического эксперимента. \\\ Материалы международной научно-методической конференции. Том II. –Тараз. 1998. с. 16-19.
  26. Беспалько В.П. Основы теории педагогических систем. Воронеж.: 1977, 70-71 б.
  27. Тўракулов Х. Илмий ижод методологияси. –Т.: 2006.252 б.
  28. Толипов У.К. Педагогические технологии развития обхетрудовых и профессиональных умений и навыков в системе высшего педагогического образования: Автореф. дисс. ... док.пед.наук. –Т.: 2004. -51 с.
  29. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар: Илмий – Амалий конференция материаллари. – Т.: ЎзПФТИ, 1999, 4-5 май.
  30. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. –Т.: «Муаллиф», 2001, 66 б.
  31. Голиш Л.В. «Таълим шакллари: Мазмун, танлаш ва амалга ошириш». Т.: 2002. 43 б.
  32. Голиш Л.В. «Активные методы обучения: содержание, выбор, реализация. Т.: ИРССПО, 2000.

## МУНДАРИЖА

### I БОБ ПЕДОГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Кириш .....	3
1.1. Таълим тизимига педагогик технологияни татбиқ этишнинг зарурати .....	4
1.2. Педагогик технологиянинг назарий асослари .....	8
1.3. Педагогик технологияларнинг турлари. Анъанавий ва ноанъанавий педагогик технологиялар.....	9
1.4. Фаол ўқитиш методларини танлаш. ....	11
1.5. Назарий дарс ўтказиш .....	12
1.6. Сухбатларни олиб бориш учун муҳим кўрсатмалар.....	20
1.7. Хулқни ва билимни баҳолашнинг аҳамияти .....	21
1.8. Топшириқ ва тестларнинг сифат белгилари .....	23
1.9. «4 поғона усули» асослари .....	26
1.10. «Йўналтирувчи матн усули» асослари .....	32
1.11. «Лойиҳа усули» асослари .....	37

### II БОБ ГУРУҲЛАРДА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИ ВА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ГУРУҲЛИ ШАКЛЛАРИДАН АМАЛИЁТДА ФЙДАЛАНИШ

2.1. Таълимнинг ташкилий шаклларини танлаш .....	45
2.2. Таълимнинг гуруҳли шаклида педагогик мақсадларни амалга ошириш имкониятлари .....	49
2.3. Гуруҳларнинг ишини ташкил қилишда психологик мақсадлар .....	50
2.4. Гуруҳли таълим бериш орқали ижтимоий мақсадларни амалга ошириш .....	50
2.5. Гуруҳда ишлашни режалаштириш .....	51
2.6. Гуруҳларда ишни ташкил қилиш услуги .....	52

2.7. Таълим олувчиларни гуруҳларга ажратиш .....	53
2.8. Гуруҳларда ишни ташкил қилиш .....	55
2.9. Таълимни ташкил қилишнинг гуруҳли шаклларида амалиётда фойдаланиш .....	58

### III БОБ

#### ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Инновацион фаолиятнинг назарий асослари .....	60
3.2. Технологик карта ўқув жараёнини лойиҳалаштиришнинг асоси .....	62
3.3. «ФСМУ» технологияси .....	65
3.4. «БЛИЦ-ЎЙИН» технологияси .....	67
3.5. «БУМЕРАНГ» технологияси .....	71
3.6. ТРЕНИНГ «МУЛОҚОТ» .....	75
3.7. «АҚЛИЙ ҲУЖУМ» методи .....	76
3.8. «МУАММОЛИ ЎҚИТИШ» технологияси .....	79
3.9. «Кластер» методи .....	80
3.10. «Вен диаграммаси» методи .....	81
3.11. «6x6x6» методи .....	82
3.12. «Қора қути» методи .....	84
3.13. «Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ...) ортикча» методи .....	84
3.14. «3F3» («4F4», «5F5», ...) методи .....	85
3.15. Дарс ишланмаларини тузиш бўйича услубий тавсиялар .....	85
3.16. Дарсга кириш ва таҳлил этиш услуби .....	86
3.17. Дарс таҳлилининг асосий таркибий қисмлари .....	86
Фойдаланилган адабиётлар .....	86